Боқий фикр

*Ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади.*

Ислом КАРИМОВ

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT · XALQ ZIYOLILARI GAZETASI · معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 4-aprel, chorshanba № 27 (8468)

*Ahil mahalla*



## СПОРТГА МЕҲР ҚЎЙГАНЛАР

**Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда маҳалланинг ўрни катта. Буни Қарши шаҳридаги «Беглар» маҳалласидаги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни фойдали машғулотларга жалб этишга қаратилаётган доимий эътибор мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Аҳиллик, ҳамжиҳатлик ҳукмрон ушбу маҳаллада олти мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада болалар ва ёшлар учун турли тўгараклар ташкил этилган. Шахмат-шашка, футбол, таэквандо тўгаракларида болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Спорт – соғлик асоси», «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи» каби мусобақаларни ўтказиш доимий анъанага айланган. Маҳалла футбол жамоаси эса шаҳарда ташкил этилаётган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

***Суратда: шахмат тўгараги қатнашчиси Самандар Қаҳрамонов.***

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлисига доир

**3 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни мамлакатимиз Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси Ислом Каримов бошқарди.

Унда қуйидаги масалалар муҳокама қилинди: жорий ишларнинг таҳлили, Ўзбекистон ва минтақадаги хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарлар, шунингдек, бу таҳдидларни бартараф этиш чора-тадбирлари.

Йиғилишда ҳукумат ва тегишли идоралар раҳбарлари иштирок этди.

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

*Dunyo biz haqimizda*

**Латвия давлат ва нодавлат таълим муассасалари вакилларидан иборат делегация шу йилнинг февраль ойи ўртасида Ўзбекистонда узлуксиз таълим моделини яратиш борасидаги тажрибаларни ўрганишга бағишланган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» деб номланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун Тошкентга таклиф этилган эди.**

Латвия делегацияси таркибида бухгалтерия-молия коллежи директори Людмила Умарова ҳам бор эди. У халқаро конференцияда иштирок этиб қайтгач Ўзбекистонда орттирган ўз таассуротларини Латвияда рус тилида нашр этиладиган «Вести Сегодня» газетасида эълон қилди.

— Ёшлар Ўзбекистон аҳолисининг 62 фоизидан зиёдини ташкил этади, — дейди у. — Собиқ шўролар тузуми тарқаб, ундан «мерос» бўлиб қолган эски ишлаб чиқариш корхоналари ночор бир аҳволга келган бир пайтда мамлакат раҳбарияти олдида юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий портлашларнинг олдини олиш, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва халқ хўжалигини модернизациялаш каби муҳим масалалар турар эди.

(Давоми 2-бетда.)

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА — 2-бет

КОЛЛЕЖДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА — 3-бет

ҲУНАРМАНДЛАР ОИЛАСИ ИБРАТИ — 5-бет

BURCHAK VA UCHBURCHAK BISSEKTRISALARINING FARQI NIMADA? — 10-бет

## АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

**Ижтимоий сиёсат жамият ҳаётининг муҳим соҳаси ва ҳар бир давлат фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт тамойилларига мос пенсия таъминоти эса унинг амалий воситаларидан биридир. Пенсия таъминотининг тўғри ташкил этилиши ҳам муайян гуруҳга мансуб кўплаб одамларнинг, ҳам аҳолининг даромади, меҳнати, турмуш сифати ҳамда даражасини қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий сиёсат мақсадларига эришиш имконини беради. Бунда ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг стратегик мақсадлари ва самарадорлиги ўз ифодасини топади.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳам мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, давлат ва фуқаролар ўртасида янги муносабатлар ўрнатиш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. ЎзА мухбири **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижрочи директорининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Зиядуллаев** билан пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашди.

— Эртами-кечми, ҳаммамиз ҳам муайян ёшга етиб, кейинги фаровонлигимиз ҳақида ўйлаймиз, — дейди М.Зиядуллаев. — Бу пайтда пенсия таъминоти янада долзарб масалага айланади. Негаки, айнан пенсия таъминоти одам кексайиб, меҳнат қобилиятини йўқотганда унинг фаровонлигини таъминлаш ва моддий қўллаб-қувватлашнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда пенсия таъминоти — бу мамлакатимизда фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган моддий таъминотни тақдим этиш мақсадида ташкил этилаётган ҳуқуқий-ташкилий институтлар ва нормалар мажмуидир. Шу боис пенсия таъминоти мамлакатимизда шаклланган ижтимоий муҳофаза тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли ва кам таъминланган фуқароларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий хусусиятга эга комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади.

(Давоми 6-бетда.)

**2011-yilda Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Xalqaro elektr aloqalari ittifoqining akademik a'zosiga aylandi va bu mazkur oliy o'quv yurti katta salohiyatga egaligidan dalolatdir.**



# ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**Тошкентда Халқаро электр алоқалари иттифоқининг минтақавий тадбирлари – МДҲ давлатлари учун "Стандартлаштиришдаги тафовутларга барҳам бериш" форуми, Алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг Электр алоқасини стандартлаштириш бўйича бутунжаҳон ассамблеясига тайёргарлик йиғилиши ва Алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг Халқаро электр алоқаси бўйича бутунжаҳон конференциясига ҳозирлик кўриш бўйича йиғилиши давом этмоқда.**

Халқаро электр алоқалари иттифоқига аъзо давлатлар, МДҲ мамлакатларининг 70 нафарга яқин вакили ҳамда академик ташкилотларнинг аъзолари телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришга доир долзарб масалаларни муҳокама этмоқда, миллий эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда муҳим муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлларини ишлаб чиқмоқда. ЎзА мухбири форумнинг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашиб, улардан кўриб чиқилаётган масалалар хусусида ўз фикр ва таассуротлари билан ўртоқлашишни сўради.

Бугунги кунда Халқаро электр алоқалари иттифоқида 193 аъзо, жумладан, академик ташкилотлар бор. Халқаро электр алоқалари иттифоқининг олтита минтақавий ташкилоти таркибига МДҲ алоқа маъмуриятларини бирлаштирадиган Алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорлик ҳам киради. Бу катта таркибга эга тузилма вакилларининг АКТ соҳасида стандартлаштириш масалаларида ягона ҳамда мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиши ниҳоятда муҳимдир. Сўнгра ноябрь ойида Дубайда бўлиб ўтадиган ассамблеяга минтақалар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, стандартлаштириш сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни киритиш зарур бўлади.

*AKT sohasi*

— Мазкур тадбирлар юксак савияда ташкил этилганини таъкидламоқчиман, — дейди Халқаро электр алоқалари иттифоқининг электр алоқани стандартлаштириш бюроси директори Малькольм Жонсон. — Тўрт йил аввал ҳам бу ерда форумларни ўтказган эдик ва шу вақт ичида Ўзбекистонда ахборот макони сари муҳим қадамлар қўйилганининг гувоҳи бўлдик. Бу борада яхши натижаларга эришилган ва улар янада кўпаймоқда. Шуниси қувонарлики, 2011 йилда Тошкент ахборот технологиялари университети Халқаро электр алоқалари иттифоқининг академик аъзосига айланди ва бу мазкур олий ўқув юрти катта салоҳиятга эгалигидан далолатдир.

Ажойиб мамлакатингиз, унинг бой тарихи ва маданий мероси ҳақида тўхталиб ўтишни истардим. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари менда унутилмас таассурот қолдирди. Пойтахтингиз марказидаги Мустақиллик майдонининг маҳобати, шаҳарсозликда шарқона безак ва замонавий дизайнни ўзида мужассам этган ажойиб архитектура ансамбли кишини лол қолдиради.

Озарбойжон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш вазирлигининг телекоммуникациялар тармоғи мудири Нозим Жаъфаровнинг айтишича, форумнинг барча қатнашчилари АКТ соҳасида стандартлаштириш муаммоларини ҳал этишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини яхши англайди. Бўлиб ўтажак жаҳон форумидаги минтақавий позиция Алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорлик аъзолари фаолиятининг барча жиҳатларини эътиборга олиши даркор. Масалан, сифати кафолатланган чексиз телекоммуникация хизматларини тақдим этиш ва фойдаланувчиларнинг глобал мобиллигини таъминлайдиган келгуси авлод (NGN) тармоқларини ривожлантиришда муаммолар мавжуд.

NGN тармоқларининг асосий ғояси ҳар қандай турдаги хизматларни кўрсатиш учун ягона тармоқ инфратузилмасини ташкил этишдан иборат. Бу ягона тармоқ инфратузилмасида ҳар қандай трафик билан ишлашни кўзда тутади. Бироқ, МДҲ мамлакатларида ушбу ўтиш жараёни бир меъёрда амалга оширилмаяпти. Бунда кўп нарса кадрларни тайёрлаш даражасига боғлиқдир. Бу борада давлатингиз юритаётган сиёсат эътиборга лойиқ. Негаки, мамлакатингизда бўлажак мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бунинг учун нафақат ихтисослашган университет, балки барча ҳудудларда унинг филиаллари ташкил қилинган. Сўнгги йилларда мамлакатингиз АКТ соҳасида салмоқли натижаларга эришди. Соҳага катта миқдорда инвестициялар жалб этилаётгани, самарали халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани, яхши шаклланган рақобат муҳити жаҳон даражасида хизматлар кўрсатиш имконини берадиган инфратузилмани ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

— Ўзбекистонга иккинчи марта келишим ва мамлакатингизда АКТ соҳаси юқори сурьатлар билан ривожланиб бораётганининг гувоҳи бўлдим, — дейди "Укртелеком" масъулияти чекланган жамиятининг илмий-техника сиёсати департаменти директори Виктор Каток. — Ўзбекистон алоқа соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг бошқа аъзоларидан тубдан фарқ қилади. Бу ерда соҳани юқори даражада рақамлаштиришга эришилган, юзлаб километр оптик-толали алоқа линиялари ўтказилган, интернет тармоғидан кенг полосали фойдаланиш босқичма-босқич жорий этилмоқда, миллионлаб абонентлар уяли алоқа компаниялари хизматидан баҳраманд бўлмоқда, қолаверса, мобиль тармоқ мамлакатингизнинг деярли барча ҳудудини қамраб олмоқда. Буларнинг барчаси давлатингизнинг пухта ўйланган сиёсати натижасидир.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Бу каби долзарб муаммоларни малакали кадрларсиз амалга ошириш ғайриимкон эканлиги аён. Шундан келиб чиққан ҳолда давлат мамлакатнинг истиқболини белгилайдиган ёш авлод таълим-тарбиясига — келажакка сармоя қўйишни бошлади. Бу соҳа давлат аҳамиятига молик бўлган устувор масала деб эълон қилинди. Мамлакатда юзлаб таълим муассасалари қурилди, замонавий моддий-техника базаси яратилди ва ўзига хос 9+3 схемаси бўйича мажбурий умумий ўрта таълим тизими жорий этилди.

Латвиялик педагог «Ўзбекистон мактаблар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари синфхоналари, аудиториялари, лабораторияларида ҳамда касбий устахоналарини жиҳозлашда биздан анча илгарилаб кетган. У ерда таълим жараёнини ташкил этиш учун энг қулай шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистонда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар «қулинг ўргилсин» қилиб жиҳозланган», дея ҳайрат билан таъкидлайди.

— Менга таълимнинг «ўзбек модели» жуда ёқди — дейди А.Умарова — Академик лицейда муайян бир фан асосларини чуқур ўрганишни мақсад қилган ўқувчилар ўқишади. Улар бир неча хорижий тилларни ҳам ўрганишади, сўнгра олий ўқув юртларига кирадилар. Касб-ҳунар коллежида таълим олувчилар бир йўла бир нечта мутахассисликни эгаллаш баробарида, таълимни олий ўқув юртларида давом эттириш имкониятига ҳам эгадирлар.

Маҳаллий ҳокимият аввалдан ҳар бир ўқувчининг қаерга бориб ўқишни давом эттиришидан бохабар. Ёшлар тақдири ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган, улар учун аввалдан иш жойлари тайёрлаш чора-тадбирлари ҳам олиб борилади. Ишлаб чиқариш билан таълим муассасалари фаолияти ўзаро уйғун тарзда ташкил этилган бўлиб, бунда уларнинг жойлашуви ҳам ҳисобга олинган. Ўғил-қизлар ўз яшаш жойларидан узоқлашмаган, оиласидан узилмаган ҳолда ўзи учун маъқул бўлган касб-ҳунарни эгаллаши мумкин. Бу миллий анъаналарга ҳам жуда мос келади. Айниқса, қиз болалар аввалари мактабни тугатгач уйларида қолиб кетар, улар учун таълимни давом эттириш, ҳаётий зарур касбларни эгаллаш имконияти йўқ эди. Ҳозирда ўзбек аёлларининг ҳам юксак даражада маълумотга эга бўлиши, замонавий касбларни ўрганиши долзарб масала сифатида қўйилиб, уни амалга ошириш учун барча ишлар қилинмоқда.

Сармоядорларнинг Ўзбекистонга ўз сармояларини олиб киришга бўлган кучли интилиши, йирик халқаро компанияларнинг мамлакатда ўз ишлаб чиқариш корхоналарини очганлиги, маҳаллий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари базасида ўзлари учун етук кадрлар тайёрлаётганига ажабланмаса ҳам бўлади.

А.Умарова, шунингдек, Халқаро Вестминстр университети ҳамда Ўзбекистон пойтахтида фаолият олиб бораётган кўплаб хориж олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларига бориб кўрганлигини ҳам таъкидлаб ўтган.

**«Жаҳон» АА**

---

**Миллий матбуот марказида Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини самарали таъминлаш юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишлардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда вазирлик раҳбарияти, таянч олий таълим муассасалари ректорлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

# МУСТАҲКАМ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗА

## *юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга хизмат қилади*

Мазкур қарорда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларни мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шаклларини жорий этиш мақсадлари кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари М.Орифжонов, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорлари сўзга чиқиб, юқорида қайд этилган вазифалар бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

— Олий таълимда бакалавриат йўналишлари сони 228тадан 165тага, магистратура 1200тадан 447тага қисқартирилиб, бугунги кун эҳтиёжларига мувофиқлаштирилган, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари М.Орифжонов. — Барча фанлар бўйича ўқитувчининг замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда билим беришига мўлжалланган ўқув-услубий мажмуаларнинг электрон вариантлари жорий этилмоқда. Жумладан, бугунги кунда режалаштирилган 6000 ўқув-услубий мажмуадан 3100дан зиёдроғининг электрон вариантлари ишлаб чиқилди. Олий таълим муассасалари ахборот ресурс-марказларини замонавий дарсликлар, ўқув-услубий мажмуалар, ахборот нашрлари билан таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, 87 номда дарслик, 370 номда ўқув-услубий қўлланма яратилган.

*Qaror va ijro*

Шунингдек, қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2011—2012 йилларда вазирлик тасарруфидаги 8та олий таълим муассасасида 39та объектни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Матбуот анжумани давомида барча саъй-ҳаракатлар мустақил фикрлашга, янги билимларни ўзлаштиришга, ижтимоий-касбий фаолият ва ижодга лаёқатли ёшларни шакллантириш ва уларга маънавий-ахлоқий фазилатларни сингдиришга қаратилганлиги эътироф этилди. Тадбир сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Санобар ЖУМАНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

*Jarayon*

# КОЛЛЕЖДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

## битирувчининг иш жойи тайин

**Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш устувор вазифалардан бирига айланганини юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва юксак ишонч намунаси дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбари 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган устувор вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам бу мавзуга алоҳида тўхталиб, жойларда ушбу масалага жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар.**

— Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида берган кўрсатмаси, йўл-йўриқлари асосида иш фаолиятимизни яхшилаш, хусусан, таълим сифатини ошириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиладик, — деди Наманган алоқа ва транспорт коллежи директори Атҳамжон Матмусаев. — Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ва ўқув амалиётини ташкил этиш бўйича вилоятдаги йирик корхоналар, хусусий секторлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз. Вилоят алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзтелеком» АК вилоят филиали ёрдами билан рақамли узатиш тизимларини ишлатиш, хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича ўқув амалиётларни ўтказиш учун алоҳида хоналар ажратилиб, жиҳозланди. Почта алоқаси хизматини ташкил этиш йўналиши бўйича мутахассис кадрларга эҳтиёж мавжудлиги аниқлангач, «Наманган почтаси» билан ҳам ўқувчиларни амалиёт ўташ ва ишга жойлаштириш бўйича ҳамкорлик шартномаси тузилди. Бу ерда ҳам амалиёт ўташ учун зарур хона ажратилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Бундан ташқари, молия бошқармаси, Республика савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, «Ўздарётранс» вилоят бўлими, «Ўзэлектротерм» ОАЖ бўлими каби 81та иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Шунингдек, таълим сифати ва самарадорлигига эришиш мақсадида Наманган муҳандислик педагогика ҳамда технология институтларининг тажрибали ўқитувчилари коллеж ўқувчиларига дарс беришини ҳам йўлга қўйганмиз.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзтелеком» АК вилоят филиалида ўқув амалиётлари учун алоҳида хоналар ташкил этилган. Коллежнинг иккинчи, учинчи босқич ўқувчиларини ишлаб чиқариш амалиётига жалб этиш ҳамда «Устоз-шогирд» аньанасига таянган ҳолда, бириктирилган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари тўлиқ ўрнатилган. Олий ўқув юртини эндигина тамомлаб жамоага қўшилган ёш мутахассислар тажрибали мураббийларга бириктирилган. Улар ўз тажрибалари, иш услубларини ўргатиб келишмоқда.

Ўтган йили коллежни битирган 228 нафар ўқувчининг 220 нафари ўз йўналиши бўйича ишга жойлашди. 3 нафари эса ўз бизнес-режасини тузиб, соҳа бўйича мустақил ишларини ташкил этди. Қолган ўқувчилар ҳам шу ҳудуддаги корхона ва ташкилотларда иш ўрнига эга бўлди. Муҳими, коллежда таълим сифатини ошириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтиришга катта эътибор берилмоқда. 5 йўналишда таҳсил олаётган 859 нафар ўқувчига 55 нафар олий маълумотли мутахассислар таълим-тарбия бериб келишмоқда. Ўқитувчиларнинг 2 нафари касб-ҳунар таълими аълочиси, 2 нафари олий тоифали ва 5 нафари илмий даражага эга бўлса, 70 фоизи эса ўз мутахассислиги бўйича малакасини оширган. Бугунги замон талаблари асосида янги педагогик технологиялардан фойдаланиб, таълим сифатини ошириш мақсадида 5та компьютер синфи, мультимедиа воситаларидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Юқорида айтиб ўтилганидек, вилоятдаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик натижасида профессор-ўқитувчилар кўмагида коллеж ўқитувчилари услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, электрон адабиётлар тайёрлаб, илмий ишлар олиб боришмоқда.

Эътиборлиси, ҳунар масканида ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш, психологик ҳолатини ўрганиш ва танлаган касбига қизиқтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ҳам жиддий изланишлар олиб борилаётир.

Айни пайтда 9-синф битирувчиларининг касб-ҳунар коллежида таълим олишга иштиёқи ошиб бораётир. Сабаби, ўқув даргоҳида ўқувчиларнинг билим олиши, ўз танлаган соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун барча имкониятлар мавжуд. 2005 йили коллежда Ўзбекистон — Германия ҳамкорлик лойиҳаси асосида жиҳозланган компьютер синфлари, биология, физика, кимё лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази ва электрон кутубхона, тренажёрлар билан таъминланган спорт зали ўқувчилар хизматида. Муҳими, битирувчилар иш излаб узоққа бормаяпти.

— Ўқишни тамомлагач, иш излаб сарсон бўлмадим, — деди коллежнинг ўтган йилги битирувчиси Ўғилой Мамажонова. — Ҳамкорлик шартномасига кўра, амалиётни «Ўзтелеком» АК вилоят филиалида ўтадик. Назарий билимларни амалиётга татбиқ этишда ўрнак бўлган аълочи, ташаббускор ўқувчиларни ташкилот раҳбарлари доимий ишга таклиф этишди. Мен ҳам коллежни тамомлагач, ҳеч иккиланмай мутахассислигим бўйича «Ўзтелеком» АК вилоят филиалига ишга кирдим.

Бугунги кунда коллежни тамомлаб, Ўғилой каби доимий иш ўрнини топаётганлар талайгина. Мисол учун, Мастура Мирзабдуллаева, Одина Абдубанаева ҳам «Ўзтелеком» АК вилоят филиалида ишламоқда.

Жамоа раҳбари галдаги режалар ҳақида гапираркан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:

— 9-синф битирувчиларини касбга йўналтириш бўйича мактаб ва коллеж ҳамкорлиги муносабатларини янада кучайтириш керак. Шу мақсадда яқин-атрофдаги мактаблар битирувчилари билан турли учрашувлар, касблар фестивалларида коллежимиз имкониятлари, шароитлар ҳақида тушунча бераяпмиз. Қолаверса, меҳнат бозоридаги мавжуд эҳтиёж асосида янги мутахассислар тайёрлаш, ўқувчиларга амалиёт даврида иш ҳақи тўлашни йўлга қўйиш, иқтидорли ўқувчилар учун бириктирилган корхона ва ташкилотларда стипендиялар жорий этишни тажриба сифатида синаб кўраяпмиз.

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# МАҲАЛЛАДА «КОЛЛЕЖ КУНИ»

**Ватанга бўлган муҳаббат ҳам оилага меҳрдан бошланиши, мустаҳкам оила тинч ва ҳамжиҳат маҳалланинг асоси экани бугун кўп бор тилга олинаётгани бежиз эмас. Зотан, боланинг маънавий жиҳатдан етук бўлиб вояга етишида маънавият дарслари билан бирга, оиладаги муҳит ва тарбия, маҳалладаги вазият ва ибратнинг таъсири катта. Бир боланинг яхши хулқли, касб-ҳунарли бўлиб вояга етиши учун оила билан бирга маҳалланинг ҳам жавобгарлиги халқимизнинг онгига сингиб кетган. Шу боис ҳам маҳалла билан ҳамкорликда фаолият юритаётган мактаб, академик лицей, коллежларнинг сифат даражаси, таълим ва тарбия самарадорлиги ўсиб бормоқда.**

Пойтахтимиздаги Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежи фаолияти узлуксиз таълим тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг ёрқин намунасидир. Юртимизда енгил саноатнинг изчил ривожланиши натижасида коллежда тайёрланаётган мутахассисларга эҳтиёж йил сайин ўсмоқда. Айниқса, тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш техник-технологи, кенг ассортиментдаги кийимлар моделер-конструкторига талаб катта. Коллежда ўқувчиларнинг назарий билимларни эгаллаши учун меъёрий талаблар даражасидаги 17та фан хоналари ва 2та лаборатория замонавий мебель, компьютер техникаси ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозланган. Дарсларда проекцион кўргазмали қўлланмалар, муляжлар, видеофильмлар, слайд ва жадваллардан фойдаланилиши ўқувчиларнинг ўз соҳалари бўйича билимларни мукаммал эгаллашига хизмат қилиб келмоқда. Коллеж жамоаси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент давлат педагогика университети, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, 150дан ортиқ енгил саноат ташкилотлари ва корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси ўқув жараёнини сифатли олиб бориш баробарида битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Шунингдек, таълим муассасаси оила ва маҳалла билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу алоқалар таълим ва тарбиянинг ҳамоҳанг олиб борилишига, бўлғуси кичик мутахассисларнинг юксак маънавиятли бўлиб етишишига замин ҳозирлаяпти.

**2012-yil — Mustahkam oila yili**

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, коллеж Олмазор туманидаги Тахтапул маҳалласида жойлашган. Айни кунда коллежда 843 нафар ўқувчи таълим олаяпти.

— Коллеж ўқувчиларининг юртга садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахс бўлиб етишишида ота-оналар ва маҳалланинг ўрни катта, — деди директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Гулноза Исмоилова. — Масалан, таълим жараёнида ўзлаштириши ва давомати паст ўқувчиларнинг тўғри йўлга солишда ота-оналарнинг ўрни катта. Битирувчилар бўлғуси иш ўринларини танлаш, олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришда ҳам ўз қизиқиш ва қобилиятлари билан бирга, ота-оналари хоҳишини ҳам ҳисобга олишади. Шунинг учун ҳар бир гуруҳ раҳбари ота-оналар билан тез-тез йиғилишлар ўтказиб туради. Давра суҳбатларида фарзанди қизиқишини қўллаб-қувватлаш, интилишини рағбатлантириш ва қобилиятини ўстириш мавзулари муҳокама этилади. Қувонарлиси, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатларида Тахтапул маҳалласи раиси Гулнора Аҳмедова, маҳалланинг обрўли кишилари, намунали оилаларнинг вакиллари фаол иштирок этмоқда. Улар «Оилада ота-онанинг ўрни ва фарзанд бурчи», «Қайнона ҳам онадир», «Ҳаё ва иффат қизларга хос фазилат» каби тадбирларда ўз фикрлари билан мунтазам қатнашишади, тадбирларда кийиниш ва муомала одоби тўғрисида фикрлар билдиришади. Бу эса ёшларимизнинг миллий қадриятларимиз асосида камол топишини таъминламоқда.

Бундан ташқари, маҳалла фаоллари ҳар жума куни коллежга келиб, давомат даражасини аниқлаб, керакли чора-тадбирлар белгилашади. Бошқача айтганда, бу кун маҳаллада «коллеж куни» бўлиб қолган, дейиш мумкин. Таълим муассасасида «Ёш оила қурувчилар мактаби», «Ораста қизлар» клуби ташкил этилган бўлиб, бу ишларга коллеж ҳамшираси масъул. «Эътибор» гуруҳи эса қариялар уйи, маҳалладаги кам таъминланган оилаларга кўмак беради. Таълим-тарбиянинг бу шакли ҳам ёшларнинг юксак инсоний туйғуларни дилда жо қилишларига туртки бўлаётир.

— Ўқув даргоҳимизда ўтказилувчи кўплаб тадбирларда маҳалла фаоллари иштирок этиб келади, — деди коллеж ўқувчиси Умида Қодирова. — Меҳнат фахрийлари, ёши улуғлар ҳаётий сабоқлардан сўзлаб беришади, натижада, давра суҳбатлари қизиқарли ва мазмунли ўтади. Айниқса, ҳашар кунлари коллеж жамоаси ва маҳалла аҳлининг биргаликдаги меҳнати биз — ёшлар учун катта ибрат бўлди.

— Оила, маҳалла билан ҳамкорлик ўрнатиб, бир қатор ютуқларга эришмоқдамиз, — деди директорнинг касбий таълим бўйича ўринбосари Ҳожия Акромова. — Жорий йилда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларининг 42 нафари коллежимизга ташриф буюриб, бу муваффақиятларни эътироф этиб ўтишди. Коллеж моддий-техник базаси мустаҳкамлиги, ўқитувчиларнинг малакаси ва тажрибаси, иш билан таъминлаш бўйича кўрсаткичларнинг юқорилиги қайд этилди.

Таълим муассасасида таҳсил олишга қизиқиш билдираётганларнинг кўпчилигини шу ҳудудда истиқомат этувчи ёшлар ташкил этади. Масалан, Олмазор туманидаги 28-умумтаълим мактаби битирувчи синф ўқувчиси Ирода Обидова шундай деди:

— Дизайнерлик касбига қизиқишим катта. Шу боис келажакда ўқишни Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежида давом эттириш ниятидаман. Қолаверса, бу коллеж билан ҳам яқиндан танишман.

Коллеж жамоаси маҳалла — оила — коллеж ҳамкорлиги натижасида жисмоний, касбий ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишни шарафли бурчи деб билади. Бу улуғ мақсад коллежнинг бугунги фаолияти ва истиқбол режаларида ҳам ўз ифодасини топган.

**Дилфуза ТОШКЕНБОЕВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

*Tadbirda Benkov nomidagi respublika rassomlik va Yunusobod dizayn kolleji o'quvchilari tomonidan yaratilgan tarixiy, milliy, zamonaviy liboslar namoyishi ham o'tkazildi.*






**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартда қабул қилинган «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот-ресурс маркази фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишда турли хил ахборот-кутубхона жараёнларини интеграциялаш, ахборотга ишлов бериш ва Миллий кутубхонанинг электрон базасига киритиш имкониятини яратиш, шу орқали маълумотлардан кўп марта ва узоқ масофадан туриб фойдаланиш, ҳудудлар даражасидаги китобхонларга хизмат кўрсатишнинг тезкорлигини ва сифатини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимизда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада ривожлантириш борасида қўйилган вазифалар ижросини тўлиқ амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарор қабул қилинди.

***

**Нукусда одам савдосига қарши курашиш масаласига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.**

Унда одам савдосига қарши курашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти идоралараро ҳудудий комиссияларининг масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбирда трансмиллий жиноятга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Аҳоли, айниқса, хотин-қизларни, коллеж битирувчиларини, ҳарбий хизматдан ва чет элдан қайтган фуқароларни доимий иш билан таъминлаш чора-тадбирларини изчил олиб бориш, бу жараёнда турли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйиш долзарб аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Семинарда чет элда ишлаб қайтган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш, одам савдоси жабрдийдаларига зарур ёрдам кўрсатишда тегишли ташкилотлар олдида турган муҳим вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

***

**Сирдарё туманидаги "Poly tex Sirdarya" масъулияти чекланган жамиятининг ташкил этилиши эллик нафардан зиёд ёшларни муқим иш билан таъминлаш имконини яратди.**

Бир йилда 15 миллион дона қоп ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонага замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Бу эса фаолият барқарорлигини таъминламоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган сертификатланган қоплардан тўқимачилик саноатида, ун, гуруч, шакар каби бир қатор қишлоқ хўжалиги, кимё, қурилиш маҳсулотларини қадоқлаш ва сақлашда фойдаланилаётир. Буюртмачиларнинг талаблари асосида 18 турдаги катта-кичик қоплар тайёрланиб, мамлакатимизнинг турли ҳудудларига жўнатилмоқда.

Замонавий дастгоҳларда тўқиш ишларини асосан ёш мутахассислар – касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бажармоқда.

***

**Хоразмда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси томонидан «Биз — бир жамоа, биз — бир оила» ижтимоий акцияси ўтказилди.**

Тадбир иштирокчилари ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, инновация, рационализаторлик ва техник йўналишларда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар, ёшларни иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш, оммавий ахборот воситаларининг такомиллашув жараёни каби мавзулар бўйича фикр алмашди. Йигит-қизларнинг истиқболли лойиҳалари, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга доир ташаббус, таклиф ва ғоялари муҳокама қилинди.

"Келажак овози" танлови ғолиблари — Отабек Каримовнинг «Жейсон кўрикчи» лазер нури орқали кўриқлаш тизими лойиҳаси, Миржамол Аминовнинг цитрус ва хўл меваларни узоқ муддат сақлаш имконини берадиган омборхона ташкил этиш борасидаги фикрлари, Александр Кимнинг глобал тармоққа мўлжалланган «Suhbat.uz messenger» лойиҳасининг такомиллашган шакли тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Вилоят мусиқали драма театрида эса акция фаолларини тақдирлаш маросими ва гала-концерт бўлиб ўтди.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

# ON-LINE МУЛОҚОТ

## барча учун долзарб масалага бағишланди

Бугунги кунда мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олиш, ёшларга ўз иқтидори ва истеъдодидан келиб чиққан ҳолда касб танлашда кўмаклашиш долзарб вазифалардан бирига айланган. Бу масала нафақат ота-она ва таълим муассасалари ходимларини, балки бутун жамоатчиликни қизиқтириши табиий. Юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш йўлларини биргаликда излаб топиш жуда муҳим. Шу каби эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, қолаверса, кенг жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида 3 апрель куни соат 10:00дан 11:00га қадар Халқ таълими вазирлиги томонидан on-line мулоқот ташкил қилди.

www.uzedu.uz сайти орқали ўтказилган мулоқотда Халқ таълими вазири ҳамда вазир ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, Мультимедиа умумтаълим дастурини ривожлантириш маркази, Республика ташхис маркази раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди. Мулоқот жараёни қизғин руҳда кечди. Юзлаб юртдошларимиз мавзу бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан жавоб олдилар. Хусусан, касб-ҳунар коллеж ўрта махсус таълим ташкил этилаётган янги йўналишлар, уларга ўқувчиларни жалб қилиш, ҳудудий қамраб олиш масалалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қабул жараёнлари, касб-ҳунарга йўналтиришда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар каби кўплаб масалалар юзасидан зарурий тушунчага эга бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки: мамлакатимизда бевосита давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган таълим сиёсати, айниқса, таълимнинг мактабдан кейинги босқичида юзминглаб ёшларимиз бепул касб-ҳунар ўрганаётгани ва бу инсон манфаатларига нечоғлик хизмат қилаётганини юртдошларимиз, жумладан, ҳар бир ота-она ҳам ақлан, ҳам қалбан чуқур ҳис этмоқда. Буни форумга қатнашган иштирокчилар сони ҳамда йўлланган саволлар қамровидан ҳам сезиш қийин эмас эди.

**Мухбиримиз**

# ОАВ ВА ЁШЛАР

**Konferensiya**

Мамлакатимизда ёшлар сиёсати, жумладан, таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни кенгроқ таништириш, мазкур йўналишда журналистларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилишда ОАВ вакилларининг масъулиятини кучайтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Кеча Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида «Ёшларнинг маънавияти ва билим даражасини оширишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусида ташкил этилган семинар шу масалаларга бағишланди.

Тадбирда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши, Республика Маънавият тарғиботи маркази масъул ходимлари қамда босма ва интернет нашрлари, ахборот агентликлари журналистлари иштирок этди.

Юртимизда таълим тизимини ислоҳ этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 16—17 февраль кунлари пойтахтимизда ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференцияда хорижий экспертлар бу борадаги ишларни юксак баҳолади. Айниқса, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик мажбурий бепул таълим тизими жорий этилиб, таълим 7та тилда олиб борилаётгани қувонарли ҳол эканини эътироф этдилар.

Тадбирда юксак маънавиятли, етук кадрларни тайёрлаш, ёшларнинг ижтимоий-маънавий ривожланиши учун шарт-шароит яратишга қаратилган давлат сиёсати, уни амалга оширишда давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлиги, ёшларни юксак маънавий-ахлоқий, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, баркамол авлодни вояга етказишда мактабгача ва умумий ўрта таълимнинг аҳамияти, ўқитишда замонавий АКТлардан фойдаланиш, глобаллашув жараёнида ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан ҳимояланиш, ёшлар бандлиги, турмуш фаровонлигининг таъминланиши масалалари юзасидан маърузалар тингланди. Таъкидландики, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни ижросини бажариш мақсадида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан ахборот тармоғини шакллантириш, ахборот ресурсларини яратиш ва АКТни таълим жараёнида қўллаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, барча олий ўқув юртлари ягона корпоратив тармоққа, тегишли веб-сайтларнинг эса ахборот-таълим порталига бирлаштирилишига, ўқув қўлланма ва маъруза матнларининг электрон-таълим базасига жойлаштирилишига замин бўлмоқда. "ZiyoNET" таълим тармоғининг ахборот ресурслари кундан-кун бойиб бораяпти.

Конференция сўнгида ёш авлод таълим-тарбияси борасидаги муҳим масалаларни ёритишда ОАВ олдида турган долзарб вазифалар бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Дилшод КАРИМОВ, «Ma'rifat» мухбири**

# ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИК

## республика илмий-амалий анжумани иштирокчилари диққат марказида бўлди

***Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида "Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожлантириш муаммолари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги элликка яқин олий таълим муассасалари, йигирмага яқин соҳа корхоналари раҳбарлари ва бош мутахассислари иштирок этди.***

Анжуман аввалида таълим муассасаларида инновацион педагогик технологиялар ва замонавий электрон воситаларнинг қўлланилиши кадрлар сифатига салмоқли таъсир кўрсатиши, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси экани таъкидланиб, бу хусусда атрофлича фикр юритилди. Шундан сўнг Қашқадарё вилоятида ахборот-коммуникация соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар, соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари билан ҳамкорлик, қўлга киритилган натижалар тўғрисида маърузалар тингланди.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман иштирокчилари олий таълимда электрон бошқариш тизимлари, масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш, электрон таълим ресурсларини яратиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик каби шўъбаларга бўлиниб, ўзаро тажриба алмашишди.

Анжуман доирасида ТАТУнинг Қарши филиали профессор-ўқитувчилари, изланувчан талабалари, вилоятдаги ахборот ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари тайёрлаган илмий-услубий қўлланмалар намойиш этилди, филиалдаги кафедралар фаолияти билан танишув ва ёш ўқитувчилар билан мулоқотлар ўтказилди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ**

Qadriyat

**Миллий ҳунармандчилигимиз йилдан-йилга тараққий этиб, замонавийлашиб бормоқда. Биргина дўппидўзликни олайлик: авваллари дўппининг саноқли нусхалари бор эди. Бугунги кунда эса улар янада сайқалланиб, жило топмоқда. Косиблар иши ҳам даврга мос: ўтмишда ковуш, маҳси, этикка талаб юқори бўлган бўлса, ҳозирда асосан замонавий оёқ кийимлари ҳам тайёрлаш йўлга қўйилган.**

# ҲУНАРМАНДЛАР ОИЛАСИ ИБРАТИ

Ҳунар кўп ва хилма-хил. Бешиксозлик, зардўзлик, попопчилик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, тўқувчилик, дўппидўзлик, заргарлик бизга аждодлардан мерос. Ота-боболаримиз фарзандларига: «Қунт билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризқинг унар», деб уқтиришган. Чунки ҳунар ўрганиш, уни бошқаларга ўргатиш савоб амаллардан бири ҳисобланади. Ҳунармандчилик ҳалол луқма ейиш, ҳалол ризқ топиш манбаи ҳисобланади. Бирор ҳунарнинг бободан отага, отадан болага ўтиб келаётганининг асл сабаби ҳам шунда. Ҳунармандлар оиласи маҳалланинг энг обрўли кишилари саналади. Ҳамма — оиладаги ёшу қари меҳнат билан банд бўлгани сабабли уруш-жанжал чиқмайди, хонадонда хотиржамлик ҳукм суради, барака ёғилади. Бешик ясовчи усталарни олайлик. Бош уста ёғоч танлаш, уни эгиб, букиб, бешик ҳолига келтириш билан шуғулланса, болалар ва аёллар бешикка ранг бериб, унга тагликлар тайёрлашади. Хуллас, ҳеч ким бекор қолмайди.

Халқимизда «Дўст бошга қарайди, душман оёққа» деган нақл бор. Шунинг учун ҳар биримиз чиройли оёқ кийим кийишга, уни тоза сақлашга ҳаракат қиламиз. Ота-боболаримиз иссиқ-совуқдан сақланиш мақсадида маҳси, ковуш кийиб юришган. Шундан косибчилик юзага келган.

Косибчилик — чармдан ковуш, маҳси, шиппак, этик ва бошқа оёқ кийимларини қўлда тикиш ҳунаридир. Асосан, чорвачилик пайдо бўлгандан сўнг, (мил. ав. IV—III асрлар) хом теридан оёқ кийимлари тикила бошлагач, шакллана борган. Аста-секин одамлар ҳайвон терисини ошлашни, ундан кўн тайёрлашни, кундан чарм олишни, чармдан кийим-кечак, пойабзал тикишни ўрганишган. Косибчилик XIX аср охири XX аср бошида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, айниқса, Фарғона водийсида анча ривожланган. Бу шаҳарларда юзлаб косиблар дўконлари бўлган. Улар фақат пойабзал тикиш билан чекланмаган, балки телпак, отулов абзаллари, қайиш, пичоқ ғилофи каби буюмлар тайёрлаш билан ҳам шуғулланишган.

Тоҳиржон Алимов қадимий ҳунарни асраб-авайлаб, болаларига ўргатаётган ҳунармандлардан биридир. У кишининг хонадони Зангиота тумани Кўксарой маҳалласидаги ибратли оилалардан ҳисобланади.

— Ҳунар ўрганиб кам бўлмадик, — деди Тоҳиржон Алимов. — Косибчилик орқасидан маҳалла-кўйда обрў-эътибор орттирдик, оиламиз фаровон, ризқимиз бутун. Мен бу ҳунарни тоғам Жаҳонгир Исаевдан ўрганганман, у киши бобомиз Раҳимжон отадан мерос қилиб олганлар. Бугун фарзандларим, жиянларим ҳам косибчиликни ўрганмоқда. Ҳар бир касб-корнинг ўзига яраша завқли ва машаққатли томони бўлади. Ишимизни осон демайман. Тикмоқчи бўлган пойабзалимизнинг аввал андозасини оламиз, унга мос чарм тайёрлаймиз, кейин тикиш, жило беришга киришамиз...

— Авваллари косибларга буюртма кўп тушган. Ҳозир маҳси-ковушга талаб қай даражада? — деб сўрайман суҳбатдошимдан.

— Ўзбек халқининг тўй-маъракаси бор экан, ҳеч қачон ҳунаримиз касодга учрамайди. Бу ҳунарни йигирма-ўттиз йил муқаддам ўрганаётганимда, «Эй бола, бошқа касб-кор танла, косибликнинг келажаги йўқ, яқинда ҳеч ким қўлда тикилган оёқ кийимларини олмай қўяди, ишсиз қоласан», деганлар ҳам бўлган. Лекин худога шукр, мана шу ҳунарнинг орқасидан оила тебратаяпман, ўзимизга тўқ яшаяпмиз. Ишимиз фақат маҳси-ковуш тикиш эмас. Ҳар бир ҳунарманд табиатан ижодкор, тадбиркор бўлиши керак. Мен ҳам ўз устимда ишлаб, савдо-сотиқни ривожлантириш учун доимо изланаман, бозорни ўрганаман. Ҳозирги кунда хотин-қизлар учун замонавий оёқ кийимлар тикаяпмиз. Йигирма беш хил маҳсулотни бозорга чиқараяпмиз. Кекса отахон ва онахонлар маҳси-ковушга буюртма берадилар. Ўз дидига мос, бежиримини сотиб олганларидан кейин, раҳмат айтиб, дуо қилиб кетишади.

Зангиота туманидаги Чиғатой маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ботир Алимжонов Тоҳир Алимов хонадони ҳақида шундай дейди:

— Тоҳиржон маҳалламизда ўсиб-улғайди, камолга етди. Уч нафар ака-уканинг барчаси ҳунарли. Улар маҳаллада обрў қозонишган. Маҳалла юмушларига бажонидил ёрдам берадилар. Ҳашарда, тўй-маъракада четда турмайди. Фарзандлари ҳам тарбияли. Хонадони файзли. Барчага ибрат бўлгулик оила.

Хулоса қилиб айтганда, ҳунарли кишининг оиласида доимо тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик барқарор бўлади.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# МАФТУНА ТИКУВЧИ БЎЛМОҚЧИ

***Мафтуна Аҳмуродова мактабимиздаги аълочи ўқувчилардан. У 9-синфда ўқийди. Фанларни чуқур ўзлаштириш билан бирга, тўгаракларда фаол иштирок этади. Айниқса, тикувчилик тўгарагида яратган турли мода ва дизайнлари тенгдошларини ҳайратга солади. Тиккан болалар либослари бежиримлиги, ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг келажакда моҳир тикувчи бўлишига устозлари астойдил ишонишади. Шу боис Мафтуна мактабни битиргач, Қудуқча қишлоғида жойлашган маиший хизмат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг тикувчилик йўналишида таҳсил олмоқчи.***

Kasbga yo'naltirish

Ҳаёт остонасида турган ўғил-қизларни муайян касбга қизиқтириш ва йўналтириш педагог-ходимларнинг муҳим вазифаси. Бу борада ота-онанинг эътибори ва ҳамкорлиги ҳам зарур. Амалиётчи психолог Бахтиёр Шоимов ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлаб, қайси касбга мойиллиги кучлилигини мунтазам қайд этиб боради.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришда коллежлар билан ҳамкорликда ишлаш катта аҳамият касб этади. Туманимизда 9та касб-ҳунар коллежи мавжуд. Битирувчиларимиз мазкур ўқув даргоҳлари ҳақида батафсил маълумотга эга. Режа асосида коллежларга саёҳат уюштиришди. Масалан, маиший хизмат ва транспорт коллежи бизга энг яқин ўқув даргоҳи. Шунинг учун ўқувчиларимиз у ерга тез-тез бориб туришади. Бир неча марта ўқув лаборатория ва амалиёт машғулотларида иштирок этишди. «Очиқ эшиклар куни»да коллеж ҳаёти билан яқиндан танишиб, қайси йўналишда ўқишни давом эттириш мумкинлигини ҳақида узил-кесил қарорга келдилар. Ёшларимизнинг аниқ касб танлашида «Оталар мажлиси»нинг ҳам таъсири катта бўлмоқда.

Бу йил мактабимизни 25 нафар ўқувчи тамомлайди. Улар орасида сўровнома ўтказилган. Аксарияти маиший хизмат ва транспорт касб-ҳунар коллежида ўқиш истагини билдиришмоқда. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, коллеж ўқув-амалиёт хоналари замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган, тикувчилик, компьютер ва бошқа йўналишларда энг замонавий техник воситалар ўқувчилар ихтиёрида. Битирувчиларимиз тикувчилик, бухгалтерия, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва юк ташишни ташкил этиш, газ жиҳозларини таъмирлаш йўналишида ўқиш истагини билдирмоқда. Ўтган ўқув йилида мактабимизни битирган 36 нафар ўғил-қизлар ҳам айни кунда касб-ҳунар коллежларида таҳсил олишмоқда.

**Шавкат ҲАЙИТБОЕВ,**
**Зомин туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактаби директори**

Maktabdan tashqari ta'lim muassasalarida

Ёшларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларга касб-ҳунар ўргатиш — «Баркамол авлод» болалар марказлари зиммасидаги вазифадир. Сариосиё туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Яқинда олтинсойлик тўгарак раҳбарлари келиб, ҳужжатлар билан ишлаш, машғулотларни намунали олиб бориш бўйича тажриба ошириб қайтишди. Айниқса, марказ мутахассислари А.Писин, Г.Холмуродова, Г.Мирзаева, Х.Алимардонованинг жонкуярлиги, ёшлар билан ишлашдаги ўзига хос ёндашуви кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

— Айни пайтда вазирлик тизимидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари

# САРИОСИЁЛИКЛАР ИБРАТИ

билан ҳамкорликда тўгарак раҳбарлари малакасини ошириш, илғор тажрибалар асосида ўқув дастурларини мақсадга мувофиқ ҳолда тузиш билан бандмиз. Умумтаълим мактаблари, маҳаллалар ва ота-оналар билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини беришига ишонамиз, — деди «Баркамол авлод» болалар маркази раҳбари Илҳом Абдураҳимов.

Дарҳақиқат, марказ мактаблар билан кенг миқёсда иш олиб боради. Мактаблардаги тўгаракларга 480 нафар ўқувчи жалб этилган бўлиб, уларнинг қарийб 40 фоизини қизлар, 15 фоизини эса кам таъминланган оила фарзандлари ташкил этади. 32- ва 20-умумтаълим мактабларида ташкил этилган «Тасвирий санъат», «Мунчоқли безаш» ҳамда «Моҳир қўллар» тўгаракларига ўқувчилар катта қизиқиш билан қатнашмоқда.

Тўгарак аъзоларининг билим ва касбий кўникмалари турли кўрик-танловлар орқали синалиб, мониторинг қилиб борилади. Ўтган йилги натижаларга кўра, 50 нафар ўқувчи турли номинациялар бўйича иқтидорли деб топилди. Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, «Бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш», «Автоматика ва электроника», «Техник воситалар ва компьютер технологиялари», «Халқ амалий санъати», «Бадиий нафосат», «Флора ва фауна» каби тўгараклар ҳам ташкил этиш кўзда тутилган.

**Азамат РЕБЯЖЕВ**

***So'nggi vaqtda davlat pensiya tizimining amaliy mexanizmini tashkil etish va yanada takomillashtirish maqsadida qator yangi me'yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilindi, pensiya qonunchiligiga o'zgartish hamda qo'shimchalar kiritildi.***

# АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эгадир. Пенсия қонунчилигига мувофиқ, пенсия — шахсларга пенсия ёшига етиши, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови бўлиб, уни олиш ҳуқуқи қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ аниқланади.

Пенсионерлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароити ва ҳаёт сифатини яхшилаш ижтимоий йўналтирилган сиёсатни амалга оширишга доир чора-тадбирлар тизимида муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз давлат пенсия таъминоти қариялар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган оилаларни қамраб олган кенг кўламли ижтимоий тизимдир.

Президентимиз Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътибор марказида бўлиб келаётганини таъкидлади. Масалан, ўтган йили республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ошди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда пенсиялар ҳажмини мунтазам ошириш ва пенсионерлар ҳамда ногиронларга амалий ёрдам кўрсатиш орқали фуқаролар фаровонлигини изчил ошириб бориш аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг асосий йўналиши ҳисобланади.

**— Пенсия таъминоти қонунчилигини такомиллаштириш борасида қандай чоралар кўрилмоқда?**

— Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуни сезиларли даражада пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий адолат тамойилини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида юқори ҳақ тўланадиган меҳнат унумдорлигини рағбатлантиришни кучайтириш имконини берди.

Сўнгги вақтда давлат пенсия тизимининг амалий механизмини ташкил этиш ва янада такомиллаштириш мақсадида қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, пенсия қонунчилигига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Масалан, пенсия қонунчилигини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ҳамда тўлаш масалаларини тартибга солувчи қатор қарорлари, шунингдек, фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрда қабул қилинган қарорига биноан "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида" ва "Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган амалдаги иш ҳақини иш ҳақининг индивидуал тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида"ги низомлар тасдиқланди. Айни вақтда қонунчиликка асосан ўрнатилган тартибга биноан "Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида" ва "Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек, харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланиши ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги низомлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

**Қонунчиликка 2010 йилнинг май ойида киритилган ўзгартишлар ҳам аҳолини аниқ манзилли ҳимоя қилишнинг яна бир ёрқин тасдиғидир. Унга кўра, хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналарига ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига) ҳар ой устама ҳақ тўланади.**

«Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди ва ушбу қонун асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 июндаги қарори билан "Дафн этишга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом" тасдиқланди. Мисол учун, «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги қонун қабул қилингунига қадар дафн этиш учун нафақа Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан фақат пенсионерларнинг қариндошларига икки ойлик пенсия миқдорида, аммо энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўланган бўлса, қонун қабул қилингач, бу нафақа барча тоифадаги фуқароларга энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўланмоқда. Шу билан бирга, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари хизматлари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги қарори билан "Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги низом (янги таҳрирда)", шунингдек, "Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурининг янги шакли"; 2011 йил 7 апрелдаги қарорига мувофиқ "Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида", "Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги низомлар; 2011 йил 1 июлдаги қарори билан "Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида", "Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнатга лаёқати йўқотилиши даражасини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги низомлар, шунингдек, ногиронликка олиб келадиган асосий касалликлар ва ушбу касалликларда ногиронликни белгилаш мезонлари рўйхати тасдиқланди.

**— 2012 йил 5 январдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунни қабул қилиш сабаблари ва уни амалга оширишдан қандай натижалар кутилаётгани хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Пенсия таъминотининг кенг қамровлилиги ва ижтимоий йўналтирилганлиги тамойилларининг изчил амалга оширилаётгани "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларда ҳам ўз ифодасини топди. Улар ўтган йиллардаги иш ҳақларини ҳозирги кундаги иш ҳақи даражасига келтириш механизмини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, қонун пенсиялар миқдорини белгилашда фуқароларимизнинг бошқа давлатлар ҳудудида олган иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш масалаларини ҳам тартибга солади. Яъни, аввал чет элда ишлашга юборилган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқишда улар чет элга юборилишидан олдин олган иш ҳақи ҳисобга олинган бўлса, қонунга ўзгартишлар киритилиши муносабати билан чет элда ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсияси учун олинадиган иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

**— Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими тузилмаси нималардан иборат ва у хорижий мамлакатлардаги тизимлардан қандай фарқ қилади?**

— Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда пенсия таъминоти тизими ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳамжиҳатлик тамойилларига асосланган муҳим таркибий қисми бўлиб, у авлодлар бирдамлигининг мустаҳкам механизмини яратишга қаратилган. Бугун ушбу тизим 2,9 миллион нафардан ортиқ фуқаро ёки аҳолининг қарийб 10 фоизини қамраб олган. Жумладан, мамлакатимизда 2100 минг нафардан ортиқ фуқаро ёшга доир, 441,5 минг нафардан ортиқ киши ногиронлик пенсиясини олмоқда. Айни вақтда боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчилар 183,7 минг, ижтимоий нафақа олувчилар 219,4 минг кишини ташкил этади.

Шу муносабат билан пенсия тизими тузилмаси такомиллаштирилмоқда.

Бу, асосан, унинг иштирокчилари вазифаларини қайта тақсимлаш билан боғлиқдир. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги амалга ошириб келган тизимдаги асосий вазифа 2010 йилдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланди ҳамда айни пайтда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти мазкур вазирлик томонидан амалга оширилмоқда. Шуларни эътиборга олган ҳолда, 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги пенсия таъминоти афзалликлари ҳақида гапирганда, шуни алоҳида қайд этиш керакки, хорижий давлатларда пенсия тизими асосан шахсий жамғариб бориладиган бадалларга таянади. Бугунги кунда, глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари сабабли, айрим шахсий жамғариб бориладиган тизимда бадалларни кўпайтириш ва нафақаларни камайтиришни кўзда тутадиган капитал тузилмани ўзгартириш режалари қабул қилинган. Баъзи Европа давлатларида алоҳида ҳисобрақамларга эга жамғариб бориладиган пенсия тизимига тўланадиган бадаллар вақтинчалик камайтирилиб, давомли тақчилликни компенсация қилиш мақсадида, давлат даражасидаги тизимга ўтказилган. Бунинг асосий сабаби бадалларнинг ҳозирги камайишини уларни келажакда ошириш ҳисобидан қоплаш ҳисобланади.

Шунинг учун Ўзбекистон пенсия таъминотининг асосий афзаллиги иқтисодиётимизнинг изчил ривожланиши шароитида унинг даромадлари барқарорлиги, салбий молиявий ўзгаришлардан ишончли ҳимоялангани, шунингдек, давлат томонидан кафолатланган пенсияларнинг ўз вақтида тўланаётганидир.

**— Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ Пенсия жамғармаси бўлимлари фаолиятида қандай ўзгаришлар рўй берди?**

— Мазкур ҳужжатга биноан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Бу иш фуқароларнинг пенсия таъминоти ва тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси учун масъул бўлган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимига кирувчи функциялар ҳамда тегишли тузилмаларни ўтказиш орқали амалга оширилди.

Пенсия жамғармасининг таркибий бўлинмаларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, биринчи навбатда, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, пенсия ва ижтимоий нафақаларни ўз вақтида молиялаштириш, даромадлар барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу бўлинмаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мебель жиҳозлари билан таъминлашдан иборат.

Мисол учун, 2011 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ молия органлари, Ғазначилик ва Пенсия жамғармасининг 40 та объектини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган бўлса, 2012 йилги Инвестиция дастурига 33 объект киритилган. 2013-2014 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига Пенсия жамғармаси бўлимларининг 53 та объектини киритиш мўлжалланмоқда.

Пенсия жамғармаси бўлимлари биноларини қуриш ва реконструкция қилишда фуқароларни қабул қилиш учун алоҳида хоналарни ташкил этишга катта эътибор берилмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда Пенсия жамғармасининг барча 196 туман (шаҳар) бўлимлари, 14 ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияларининг 108 та бош, ихтисослаштирилган, туманлараро ва туман (шаҳар) бўлимлари Молия вазирлигининг корпоратив локал тармоғига уланган, WSP "Personal" ва "Outlook Express" махсус дастурий маҳсулотлар орқали электрон ҳужжат айланиши таъминланган.

Пенсия ва нафақа олувчиларнинг ягона ахборот базасини ташкил этиш мақсадида Пенсия жамғармаси ва "Фидо бизнес" масъулияти чекланган жамияти билан биргаликда замонавий веб-технологияларга асосланган янги "Пенсия" дастурий маҳсулоти яратилди. Айни пайтда 2,9 миллион нафардан ортиқ пенсия ва нафақа олувчилар мазкур дастурий маҳсулот билан қамраб олинган. Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 29 бўлими томонидан 6 ойдан буён пенсия ва ижтимоий нафақалар ушбу дастур асосида тайинланмоқда ва тўланмоқда. 2012 йилнинг 1 апрелидан Пенсия жамғармасининг мамлакатимиздаги барча туман (шаҳар) бўлимларида пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ҳамда тўлаш мазкур дастурий маҳсулотдан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Янги дастурий маҳсулотни жорий этишнинг кейинги босқичларида Молия вазирлиги Ғазначилиги, "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти, давлат-акциядорлик тижорат "Халқ банки" ва бошқа тижорат банклари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси каби ташқи маълумот манбаларини ҳам улаш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, пенсионерларга махсус хизматлар кўрсатишни жорий этиш кўриб чиқилмоқда. Интернет-кўчирма хизмати (пенсионерларга электрон почта орқали ҳисоблаб чиқилган пенсия миқдори ҳақида кўчирма олиш имконини беради), SMS ва e-mail-сервис (мобиль телефонга хабар жўнатиш орқали пенсияларнинг ошгани ва миқдори ҳақида маълум қилиш), пенсия калькулятори (пенсиялар ёки ижтимоий нафақалар миқдорини масофадан туриб ҳисоблаш имконияти), ахборот тарқатиш (пенсия таъминотидаги охирги ўзгаришлар ва янгиликлар ҳақида ахборот тарқатиш), "тезкор линия" ва сайтдаги опция орқали мутахассис маслаҳати (пенсионерлар саволлари ҳамда эътирозлари бўйича маслаҳат бериш ҳамда уларни зудлик билан кўриб чиқиш) шулар жумласидандир.

**— 2005 йилда янги, жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилди. Жамғариб бориладиган ва давлат пенсия тизими ўртасида қандай боғлиқлик бор?**

— Мамлакатимизда нодавлат пенсия жамғармасининг илк кўринишлари 2004 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуни, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг қатор қарорлари қабул қилингач, пайдо бўлди. Масалан, 2005 йилнинг 1 январидан ишлаётган фуқаролар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларига ҳар ой, жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга йўналтириладиган даромад солиғи суммаси камайтирилган ҳолда, иш ҳақининг бир фоизи миқдорида бадал тўлайди.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар эга.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида пенсия олувчи сифатида иштирок этадиган фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, олиш ҳуқуқига эга.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари, шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш ва расмийлаштириш Халқ банки томонидан бепул амалга оширилади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан

*Pensiyani hisoblab chiqish uchun ish haqi miqdori ish haqlarini pensiya tayinlanadigan kundagi ish haqi darajasiga keltirish uchun qayta hisoblanadi va bunda, yuqorida qayd etilganidek, ish haqining yakka tartibdagi koeffitsiyenti qo'llaniladi.*



# ҚУВВАТЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

бериладиган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади.

**— Бугунги кунда жаҳонда ишловчилар сонининг кескин камайиши ва пенсия тўловлари учун харажатларнинг ортиб бораётгани, бюджет тақчиллиги сабабли пенсия ёшини ошириш тенденциялари кузатилмоқда. Мамлакатимизда ҳам пенсия ёшини ошириш мумкинми ва бу борада мутахассисларнинг прогнозлари қандай?**

— Глобал молиявий-иқтисодий инқироз айрим хорижий давлатлар ҳукуматларидан пенсия қонунчилиги соҳасида шошилинч қарорлар қабул қилишни талаб этди.

Қисқа муддатли чораларни қўллашда шуни эътиборга олиш зарурки, баъзи қисқа муддатли муваффақиятлар узоқ истиқболда қўшимча сарф-харажатларни келтириб чиқариши мумкин. Кўплаб давлатлар пенсия тизимининг жамғариб бориладиган қисмига талаб этиладиган бадаллар даражаси ва ушбу бадаллар учун давлат субсидияларини камайтирди. Узоқ истиқболда бундай хатти-ҳаракатлар пенсия тизими барқарорлигига путур етказади, уни жамғарилган активлардан маҳрум этади.

Мамлакатимизда инқирозга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида қабул қилиниши самарасида нафақат иқтисодиёт ва ялпи ички маҳсулотда, балки пенсия таъминоти соҳасида ҳам ижобий ўсишга эришилди.

Масалан, Президентимиз томонидан 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг прогноз параметрлари тўлиқ бажарилди. Пенсия жамғармаси даромад қисмининг 100,5 фоизга бажарилиши даромадларнинг пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни молиялаш харажатларидан ошишини таъминлади. Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромад қисми прогнозлари ўрта муддатли истиқболда барқарор бўлиши кутилмоқда. Мазкур ҳолат мамлакатимиз Пенсия жамғармасининг молиявий мустаҳкамлигини яна бир бор тасдиқлайди.

**— Қандай турдаги давлат пенсиялари ва қайси тоифадаги пенсионерлар учун имтиёзлар мавжуд?**

— Мамлакатимизда уч турдаги давлат пенсиялари — ёшга доир пенсия, ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси мавжуд.

Ўзбекистонда эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажи 25 йил бўлганда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажи 20 йил бўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, қонунчиликда аёлларнинг 54 ёшга тўлганда ва 20 йиллик иш стажига эга бўлиб, ушбу давр ичида суғурта бадаллари тўлаган бўлса, пенсияга чиқиши мумкинлиги кўзда тутилган. Бундан ташқари, пенсия қонунчилигида ўта зарарли ва оғир меҳнат шароитларида ишлаётган одамлар, учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчилар, театрлар, циркларва концерт ташкилотлари, бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари, айрим тоифадаги спортчилар, уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар ва паканалар, ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, "Меҳрибонлик" уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари, ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ходимларига, қонунда белгиланган махсус иш стажига эга бўлса, пенсияга чиқиш бўйича умумий белгиланган ёшни қисқартирилган ҳолда пенсияга чиқиш учун имтиёз кўзда тутилган.

Ушбу имтиёзларда муайян махсус иш стажига эга бўлган тақдирда, ёшидан қатъи назар, пенсия тайинлаш, шунингдек, пенсия ёшини 10 ёки 5 йилга қисқартириш назарда тутилган.

Бундан ташқари, ишловчи пенсионерларнинг қуйидаги тоифаларига, яъни ногиронлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятини бажарган ёки мамлакат ичкарисида ишлаган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, Чернобиль фалокати оқибатида зарар кўрган шахслар, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида ишлаётган аёлларга пенсиялар тўлиқ миқдорда (100 фоиз) тўланади.

**— Мамлакатимизда ҳар йили энг кам иш ҳақи миқдори ошаётганини эътиборга олган ҳолда, пенсияга чиқаётган фуқароларга пенсиялар қандай ҳисобланмоқда? Энг кам иш ҳақи миқдори ошиши эътиборга олиниб, пенсияга аввал чиққан фуқароларнинг пенсиялари миқдори қайта ҳисоблаб чиқилаяптими?**

— Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, пенсиянинг таянч миқдори, иш стажи учун пенсиянинг оширилиши ва пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан ташкил топади.

Ёшга доир пенсия ва I ҳамда II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиясини тайинлашда пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизини, боқувчисини йўқотганлик пенсияси эса оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига ана шу сумманинг 30 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, қонунда белгиланган пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсиянинг таянч миқдорлари ёшга доир пенсиялар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида оширилади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш ҳақи миқдори иш ҳақларини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун қайта ҳисобланади ва бунда, юқорида қайд этилганидек, иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти қўлланилади. Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар (пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг танлашига кўра), меҳнат фаолиятининг охирги ўн йили мобайнидаги исталган кетма-кет олтмиш ойидан ҳар бир ойи учун аниқланади, бунда шахснинг пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақи тегишли ойдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига бўлинади.

Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти қўлланган ҳолда қайта ҳисобланган иш ҳақини аниқлаш учун олинган натижа пенсия тайинлангунга қадар ўтган 12 ой учун бир ойлик ўртача энг кам иш ҳақига кўпайтирилади (вергулдан кейинги тўрт белгили миқдоргача яхлитланади).

Масалан, фуқаронинг 2006 йил майдаги иш ҳақи 72000 сўм, тегишли ойда энг кам иш ҳақи эса 9400 сўм бўлган. Бунда иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти 7,6596 (72000/9400) ташкил этади.

2011 йил 12 апрель ҳолатига кўра, ўртача энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 45214,58 сўмни ташкил қилади (37680 сўм (2010 йил май — июлдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдори) * 3 + 45215 сўм (2010 йил август — ноябрдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдори) * 4 + 49735 сўм (2010 йил декабрь — 2011 йил апрелдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдори) * 5) / 12).

Айтайлик, фуқаро иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти қўлланган ҳолда қайта ҳисобланган 2006 йил майдаги иш ҳақининг янги миқдори 2011 йил 12 апрелда 346325,60 сўмни ташкил қилади.

Фуқаронинг умумий иш стажи 40 йил. Меҳнат фаолиятининг охирги ўн йили мобайнидаги беш йили учун (2006.05—2011.04 — 60 ой) иш ҳақининг умумий миқдори 10991080 сўмга тенг.

Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти қўлланган ҳолда ўтган беш йил учун иш ҳақи қайта ҳисоблаб чиқилгач, фуқаронинг 2011 йил апрель ҳолатига иш ҳақининг умумий миқдори 21618487,85 сўмни ташкил қилди.

Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти қўлланган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилган ўртача ойлик иш ҳақи 360308,13 сўмга (21618487,85 сўм/60) тенг бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ, ҳар гал энг кам иш ҳақи миқдори оширилганда, барча турдаги пенсиялар миқдори ҳам мутаносиб равишда оширилади.

**— Пенсиянинг таянч миқдоридан ташқари пенсионерлар қандай қўшимча ва устама ҳақлар олишлари мумкин?**

— Айрим тоифадаги фуқароларга энг кам иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлган, пенсияларга қўшиладиган устама ҳақ белгиланган. Мисол учун, уруш ногиронларига ногиронлик гуруҳига қараб — энг кам ойлик иш ҳақининг 125 фоизидан 150 фоизигача, кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига — 100 фоизи, қолганларга — 75 фоизи, II гуруҳ ёлғиз ногиронларга — 50 фоизи, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга — 50 фоизи, Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга — 30 фоизи, вафоти ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларидаги хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналарига ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига) — 30 фоизи, Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга — 100 фоиздан 150 фоизгача, ёшидан қатъи назар, имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга — 75 фоизи, театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимларини тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига, Вазирлар Маҳкамаси белгилаган рўйхатга кўра — 50 фоизи миқдорида устама ҳақ қўшилади.

**— Пенсияларни ҳисоблаш учун меҳнат фаолиятининг қайси даври учун иш ҳақи асос қилиб олинади ва бу борада иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасида тафовут борми?**

— Пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш ҳақига қонунчиликка биноан суғурта бадаллари тўланган меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги барча даромадлар киради.

Ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охирги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун иш ҳақи миқдори иш ҳақларини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун қайта ҳисоблаб чиқилади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган олтмиш календарь ойдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда, пенсия сўраб мурожаат этган кишининг хоҳишига қараб, ишга қабул қилиниши ёки меҳнат шартномасининг бекор қилиниши муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар ишланган тўлиқ календарь ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Пенсия сўраб мурожаат этган киши беш йилдан оз вақт ишлаган ҳолларда, пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун ўртача ойлик иш ҳақи ишланган календарь ойлардаги иш ҳақининг умумий миқдорини шу ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади (ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия).

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга пенсиялар тайинлашда пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун ўртача ойлик иш ҳақи исталган кетма-кет беш мавсумдаги иш ҳақининг умумий миқдорини олтмишга бўлиш йўли билан аниқланади.

**— Зарарли ишлаб чиқаришда меҳнат қилган фуқароларга пенсия қандай ҳисобланади?**

— Юқорида таъкидланганидек, ўта зарарли ва оғир меҳнат шароитларида ишлаётган айрим тоифадаги шахсларга имтиёзли пенсиялар Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 12 майда тасдиқланган имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2 ва 3-рўйхати бўйича ушбу ишларда қонунчиликда белгиланган махсус стажга эга бўлган тақдирда, (ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқиш бўйича умумий белгиланган ёшни 10 йил ва 5 йилга қисқартирилган ҳолда) имтиёзли шартлар асосида берилади.

Пенсия қонунчилигида имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар рўйхатида кўзда тутилган ўта зарарли ва оғир меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларга пенсияга чиқиш бўйича умумий белгиланган ёшни камайтирилган ҳолда пенсияга чиқиш имтиёзлари ушбу ишларда қонунчиликда белгиланган махсус стажга эга бўлган тақдирда берилади.

Масалан, кон саноатидаги етакчи касб эгалари, кўмир, сланец маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича ер ости ишларида ишлаётган, шунингдек, шахталар ва конлар қурилишида иш билан банд бўлган ходимлар (тозалаш ишлари кончиси, кўмирни болғаси ишчиси, тоғ йўли машинаси машинистлари, кон кавловчи ишчилар) шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлса, ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, 2-рўйхатда кўрсатилган ер ости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга. Бунда эркаклар камида 20 йиллик иш стажига эга бўлиши, шунинг камида 10 йилида кўрсатиб ўтилган ишларда меҳнат қилган бўлиши, аёллар эса камида 15 йиллик иш стажига эга бўлиб, шунинг камида 7 йилу 6 ойида кўрсатиб ўтилган ишларда меҳнат қилган бўлиши керак.

Бундан ташқари, пенсия қонунчилигига мувофиқ меҳнат стажини ҳисоблаш бўйича ҳам имтиёзлар берилади. Мисол учун, кон саноатидаги етакчи касб эгалари, ер ости ва очиқ кон ишларида (шу жумладан, кон-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар, ер ости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимларнинг имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлардаги ҳар бир тўлиқ йил учун эркакларнинг 10 йилдан ва аёлларнинг 7 йилу 6 ойдан ортиқ бўлган иш стажи икки баравар ҳисобга олинади. Шунингдек, моховхоналар, вабога қарши муассасалар, иммунодефицит вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларидаги ишлар пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун қабул қилинадиган стажга икки баравар, патологоанатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг айрим тоифадаги тиббиёт ходимлари иши бир ярим баравар ҳисобга олинади.

Кучли ижтимоий сиёсат юритиш Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ўзбекистоннинг ривожланиши бўйича ишлаб чиқилган ва бутун дунёда "ўзбек модели" деб эътироф этилган асосий беш тамойилдан бири ҳисобланади. Фуқароларимиз учун том маънодаги муносиб кексаликни таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ана шу кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, орзу-умидлари, шодлиги ва ташвишлари давлат ва жамиятнинг доимий эътибор марказида туради.

**ЎзА мухбири**
**Меҳрибон МАМЕТОВА**
**суҳбатлашди.**

# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ЯНГИ ДАВР

**Мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, халқимиз келажаги бўлган ёшларни баркамол авлод қилиб вояга етказиш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёни янги босқичга кирди. Бу пойтахтимизда ўтказилган таълим масалалари бўйича халқаро конференцияда ҳам эътироф этилдики, жаҳондаги нуфузли ташкилотлар вакиллари, соҳанинг кўзга кўринган намояндалари Ўзбекистон қўлга киритган ютуқларни яна бир бор тан олиб, ўрганса арзирли тажрибаларимизни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишди.**

**Юртбошимиз яқинда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида "Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида жамоатчилигимиз, бутун халқимиз билан бирга олиб бораётган улкан ишларимизни фахру ғурур билан айтган бўлардим. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг моҳияти ва кўламига кўра беқиёс бўлган бу ишлар ҳозирги вақтда шундай мустаҳкам бир изга қўйилдики, энди бизнинг бу йўлдаги ҳаракатларимизни тўхтатиш асло мумкин эмас", дея таъкидлади. Ҳа, диёримизда ёш авлод таълим-тарбияси учун шарт-шароит ва имкониятларни яратиш, кишида ғурур ва ҳавас уйғотадиган баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасидаги вазифа бўлиб келган. Мазкур масалага эътибор бугун ҳам асло камайгани йўқ. Айниқса, баркамол авлод тарбиясида янги давр бошлангани, яъни сифат босқичига ўтилгани биз ўқитувчи ва мураббийларнинг олдига бир қатор вазифаларни қўймоқда.**

**Биринчидан,** алоҳида таъкидлаш жоизки, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга, билимли ва меҳнатсевар фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучга айланиб бораётир. Бугун инсон капиталига инвестиция йўналтиришга устувор вазифаси деб қарайдиган мамлакатгина юксак тараққиётга эришиши мумкинлигини ҳаётимизнинг ўзи исботлаб турибди. Ҳозирги мураккаб даврда жамият ҳар томонлама маърифатли бўлсагина, таҳдидбардош социум сифатида ривожлана олади.

**Иккинчидан,** нафақат том маънодаги билимли, шу билан бирга, яхши тарбия кўрган ва маънавияти юксак ёшлар ҳар қандай мураккаб муаммоларни ҳал этишга қодир бўлади. Шу боис ўқувчиларни дунёни тўғри идрок этишга ўргатишда сифатли таълим билан бирга самарали тарбия берадиган тизим ҳам ниҳоятда зарур. Таълим-тарбиянинг жамият ривожидаги юксак мавқеини тўлиқ англатиш орқали билим олиш ва тарбияли бўлишга интилишни ёш авлод учун энг муҳим мақсадли вазифага айлантириш зарур.

**Учинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, ёшларни оммавий равишда спорт машғулотларига жалб этиш мақсадида яратилган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиададан иборат мусобақалар дунёда ноёб тизим саналади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартларига йўналтирилган болалар спортини ривожлантириш тизимини янада мустаҳкамлаш асосий вазифаларимиздан биридир.

**Тўртинчидан,** мамлакатимиз ўқув муассасаларида ахборот-таълим тармоғига уланган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилганки, ўқитувчи ва ўқувчилар учун зарур манбалардан фойдаланиш, видео-конференция ва семинарлар ўтказиш, масофадан туриб ўқиш ва ўқитиш, машғулотларда сўнгги телекоммуникация имкониятларини қўллаш учун барча шарт-шароит мавжуд. Зотан, бугунги ёшлар фақат ўқув фанларини ўрганиш, мактаб дастурига киритилган билимларни ўзлаштириш билан чекланиб қололмайди. Таълим тизимига замонавий мультимедиа воситаларини татбиқ этмасдан кўзланган сифат ва самарага эришиб бўлмайди.

**Бешинчидан,** миллий таълим тизимимиз нафақат билимга эга бўлиш, балки аниқ бир касб-ҳунарни эгаллаш, илм-фан ва маданиятга ихлос қўйиш, спорт ва санъат билан дўстлашишни ҳам қамраб оладиган комплекс жараёндир. Таълим-тарбия ишлари ўрта-махсус ёки олий таълим муассасаларидагина эмас, мактаб партасиданоқ айни йўналишда олиб борилаётгани қувонарли ҳол. Шу ўринда мазкур масалага янада эътибор қаратиш лозимлигини таъкидламоқчимиз.

**Олтинчидан,** ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш, таълимнинг мазмун-моҳиятини реал ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштириш, педагогиканинг янги технологик шакл ва услубларини яратиш, ўқув методикасини мунтазам такомиллаштириб бориш, табиий-илмий ҳамда инженерлик фанлари соҳасида ўқитиш компонентларини кучайтириш, таълимни жадал ривожланаётган ва юқори технологияли меҳнат бозорида талаб катта мутахассисларни тайёрлашга йўналтириш, ўқитишнинг амалий хусусиятга эга тизимини жорий этиш ниҳоятда муҳим масала бўлиб турибди.

**Еттинчидан,** ўқитишнинг барча босқичларида она тилини мукаммал билиш, бадиий адабиётга муҳаббат уйғотиш билан бирга, хорижий тилларни ўргатишни кенгайтириш ёшларнинг дунё ахборот-ресурсларидан кенг фойдаланишига, халқаро меҳнат бозори шароитларига мослашишига мустаҳкам замин яратади.

Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизда доимий ижтимоий фаолликка асосланган турмуш тарзини шакллантириш, ижод, илм-фан ва спортга — умуман, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ҳаётга интилиш ҳиссини, яратувчилик руҳини тарбиялаш учун мавжуд барча шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишимиз, олдимизга қўйилган мақсад ва вазифалардан оғишмай ҳаракат қилишимиз зарур. Айниқса, болалар спорт объектларини, мусиқа ва санъат мактаблари бинолари, ўқув анжомларини кўз қорачиғидек асраш, улардан самарали фойдаланиш, спорт ва мусиқанинг миллат ва жамият соғлиғи, кайфияти ва дунёқарашига улкан ижобий таъсирини фаол тарғиб этиш биз педагоглар учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Маънавий-маърифий, айниқса, тарғибот соҳасида ҳам қилинадиган ишларимиз талайгина. Хусусан, ёшларни бепул ўн икки йиллик таълим тизимига тўлиқ қамраб олишнинг аҳамиятини, ҳар бир боланинг миллати, ижтимоий келиб чиқиши, яшаш жойи, соғлом ёки носоғлом бўлишидан қатъи назар, таълим ва тарбия олиш ҳуқуқи кафолатланганини чуқур тушуниш лозим. Сир эмаски, кўпгина мамлакатларда ҳукумат халқнинг саводхонлиги билан доим ҳам қизиқавермайди. Бизда эса ўн икки йиллик бепул мажбурий таълим тизими жорий этилиши билан узоқ стратегик мақсад кўзланган. Масаланинг моҳияти шундаки, олти-етти ёшида мактабга борган ўқувчи ўн икки йил таълим олганидан сўнг, 18-19 ёшида тўла саводхон, касб-ҳунарли бўлиб, ҳар томонлама тайёр ҳолда мустақил ҳаётга қадам қўяди. Шу тариқа вояга етган миллионлаб ёшлар шахсий ҳаётини муносиб изга қўядиган, оиласини, ота-онасини, миллатини ўйлайдиган, бошқаларга ҳам илм-ҳунар ўргата биладиган шахсга айланади.

Мамлакатимизда таълим борасида шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни камайтириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Зотан, собиқ шўролар даврида ушбу муаммони ҳал этиш тўғрисида комфирқанинг ўнлаб қарорлари чиқарилар, юзлаб диссертациялар ҳимоя қилинарди. Афсуски, икки орадаги жарлик йўқолиш ўрнига баттар чуқурлашиб борaверарди. Юртимиз мустақилликка эришиб, катта тараққиёт йўлига чиқиб олгач, бу борада ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Узоқ қишлоқларда юзлаб замонавий мактаблар, коллеж ва лицейлар, спорт иншоотлари, сув ҳавзалари, шинам тураржойлар, ёшлар ижодиёт марказлари, буларнинг бари бир ўспирин вояга етгудек қисқа даврда барпо этилганига барчамиз гувоҳмиз.

Миллий таълим тизимимиз афзалликларидан яна бири — юксак маънавият таълим-тарбиянинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида белгиланганидир. Аслида ҳам, бугун маънавият масаласи бутун башариятнинг муҳим муаммосига айланиб қолган. Глобаллашув жараёни Ер куррасини буткул қамраб олиб, инсон онги ва қалби учун тинимсиз кураш кетаётган бир пайтда мустақил давлатимиз келажаги, халқимиз маънавияти учун таҳдидлар бўлмаяпти, дея олмаймиз. Бу хавф-хатар, аввало, ёш авлоднинг маънавий оламига қаратилган ҳаракатларда кўзга ташланади. Миллий менталитетимиз, дунёқараш ва тафаккуримизга, энг муҳими, эзгу ва олижаноб мақсадларимизга мутлақо ёт ғоялар, сунъий "қадрият" ва "анъана"ларни турли йўллар билан тиқиштиришга уринишлар, бир сўз билан айтганда, маънавий экспансия кўринишлари учраб турибди. Бундай шароитда юксак маънавиятгина ёш авлодни геосиёсий ва мафкуравий зиддиятларнинг салбий таъсиридан муносиб ҳимоя қилиши мумкин. Маънавий тарбиядек нозик ишга эса муайян муддат қўйиб бўлмайди, балки тадрижий равишда такомиллаштириб бориш лозим. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **"Маънавиятни йўқотсак, ўзимиз ва ўзлигимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирсак, ўз мурод-мақсадимизга етишда кучли мадад топамиз".**

Инсон, аввало, ўқувчилик давридан бошлаб шаклланади. Шу маънода маънавий-ахлоқий тарбия борасида ҳатто биргина ўқувчи бой берилса ҳам, бутун тизим ишига путур етиши ҳеч гап эмас. Соҳада камчиликларга йўл қўймаслик учун эса маънавий-ахлоқий тарбия жараёни концептуал асосда, яхлит тизим ва аниқ чора-тадбирлар кўламида, барча босқичлар ва ҳудудларда узлуксиз олиб борилиши зарур. Асосий эътибор жараённинг ўзигагина эмас, пировард натижа ва самарага қаратилиши лозим. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни тизимли асосда ташкил қилиш, узлуксиз мониторинг, баҳолаш ва прогнозлаш механизмларини йўлга қўйиш, бу соҳадаги фаолиятнинг ташкилий, мазмун ва методик жиҳатларини кучайтириш, янги усул ва воситаларни амалиётга жорий этиш ниҳоятда муҳим.

Маънавият ҳақида ҳар қанча даъват қилинмасин, уни жамият онгига сингдириш бўйича доимий иш олиб борилмас экан, кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Шу маънода ёш авлодни янги тафаккур соҳиблари қилиб тарбиялаш учун ўқитувчи ва мураббийларга таянган ҳолда, таълимнинг инсон ва жамият ривожидаги таъсирини ошириш, ёш қалбларга эзгулик ва яратувчилик руҳини сингдиришга давр талаблари асосида ёндашиш даркор.

*"Тараққиёт таълим муассасаларида ҳал бўлади",* деган ғоя бугун ҳар қачонгиданда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, мамлакатнинг келажаги унинг қуролли кучлари, завод-фабрикалари ва ишчилари сони билан эмас, балки мактаб парталарида ўтирган болаларнинг нимани қандай ўрганаётгани билан ўлчанади. Қолаверса, уларни ким қандай тарбиялаётгани ҳам аҳамиятлидир. Бинобарин, айнан ана шу болалар 10-15 йил ўтиб, университет аудиториялари, завод станоклари, илмий лабораторияларни эгаллайди ва мактабда олган билим, кўникма ва тарбиясига қараб соҳалар салоҳиятини белгилайди.

Мустақил Ватанимизнинг ўқувчиси, тарбияланувчиси — умуман, вояга етаётган *фарзандларимизнинг тарбияланганлик даражаси* қандай, бунинг ўлчови борми, деган масала муҳимдир. Одатда, таълим стандарти, билим даражаси ҳақида гапириб, аниқ ўлчовларни кўз олдимизга келтира оламиз. Айтайлик, мактаб аттестати бирор билим кўламига эга ўқувчига берилади. Аммо боланинг тарбияланганлик кўрсаткичини ота-она ҳам, мактаб ўқитувчиси ҳам аниқ айтиб бериши қийин. Хўш, бу тушунча нималарда ўз ифодасини топади? Фикримизча, *"Ақлга — билим, қалбга — маънавият"* шиори ана шу меъёрни аниқлашда асқотади. Бошқача айтганда, таълим ўзлаштирилган билим билан ўлчанса, тарбия эса қалбга жо қилинган ***маънавий иммунитет*** орқали юз кўрсатади.

Таъбир жоиз бўлса, ўқувчининг онги ҳали ҳеч нарса ёзилмаган янги дафтарга ўхшайди. Шундай экан, боланинг ички дунёси, яъни кўнгли ва ақлини ўз ёшига мос фикрлар, ўтли сўзлар, чўғдай ғоялар билан бойитиб бориш энг муҳим вазифамиздир. Агар биз бу "янги дафтар"ни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан мазмунли ва мустаҳкам тўлдирмас эканмиз, бўш қолган "саҳифа"ларга бошқалар — экстремист, космополит ёки яна аллақандай кимсалар эгалик қилишга уринади.

Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида бефарқ одамлар ҳақида фикр билдириб, уларнинг душманлардан ҳам хавфли эканини кўрсатиб берган. Дарҳақиқат, маънавиятнинг дастлабки кушандаси бефарқликдир. Бу иллат эса кўпинча бекорчиликдан илдиз олади, бирор фойдали иш билан шуғулланмаслик ва зерикиш оқибатида келиб чиқади. Демак, ўқувчининг бўш вақти бекор ўтса, бу бизнинг энг ожиз ва заиф нуқтамизга айланиши турган гап. Бундай муҳитда ўсган бола келажакда ҳушёрлик ва жонкуярлик, виждон амри ва илғор тафаккур билан яшай олмайди. Ғанимлар тузоғига ҳам, энг аввало, ана шундай кимсалар тушади; ўзлари билиб-билмай ғоявий, мафкуравий мухолифларнинг тегирмонига сув қуяди. Бинобарин, *"Бекорчининг бўш вақти —душманларнинг иш вақти"* шиори айнан шу хатарли фаолиятнинг олдини олишга қарата айтилиши зарур.

Ўқувчининг ижодий бандлиги янгиланиш руҳини, маънавиятни озиқлантирувчи қудратли омилдир. Оиладами, мактаб ёки бошқа таълим муассасадами — қаерда бўлмасин, қалбни илм-маърифат нури, маънавият сарчашмаларидан баҳраманд этиш, мустаҳкам иродани шакллантириш ва уйғоқ руҳни тарбиялаш ўқувчи бандлигининг асосий мақсадига айланиши лозим. Бу борада ҳам ўрганиш ва янгилик қилишдан тўхтамаслик, ишни тизимли равишда ташкил этиш, ғоявий иммунитет ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари доимий диққат марказимизда бўлиши керак. Энг муҳими, мустақиллик шарофати билан яратилган барча имкониятлардан ёшлар унумли фойдалана билсин. Бундай тўкис шарт-шароитлар нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчи-мураббийлар зиммасига ҳам *масъулият* юклашини унутмайлик. Ўқувчининг болалик ҳаёти мактабдан тортиб тўгаракларгача, бошланғич мусиқий таълимдан тортиб кутубхоналаргача бўлган соҳа ва даражаларда бой ва мазмунли ўтиши жамиятимизнинг бўлғуси қиёфасини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Айни пайтда, фарзандларимиз фақат моддиятни ўйлайдиган қалбсиз, юраги ўртанмайдиган, ҳеч нимадан ҳайратланмайдиган мавжудот эмас, балки яшашдан маънавий роҳат оладиган инсон бўлиб вояга етади.

Бугунги кунда маънавий-маърифий соҳа мутасаддилари ва вакиллари учун ўзига хос 4 "М" формуласи — *"Маърифат–маданият–маънавият–мафкура"* яхлитлиги шиори алоҳида аҳамият касб этади.

***Маърифат*** — замонга мос саводхонлик, билим ва тафаккур бўлиб, инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб туради, унга куч-қудрат ато этади. Маърифат кишиларни жаҳолатдан қутқаради, бузуқ ишлардан қайтаради, яхши хулқ ва одоб эгаси бўлишига, ақл-идрок билан яшашига ёрдам беради — хуллас, маданиятга эришишига хизмат қилади.

***Маданият*** — бошқалар билан мулоқот ва муомалада намоён бўлади. Айни пайтда, яратувчилик қобилиятига эгаликни ҳам англатади. Инсонда ҳамма нарса — феъл-атвори, одоб-ахлоқи, кийими гўзал бўлмоғи керак. Ўз навбатида, маданият ва маърифат кишининг маънавий жиҳатдан тўкислигини таъминлайди.

***"Маънавият*** — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашлари мезонидир". (И. Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 19-бет).

Бугунги давр зиёлиси шунчаки маърифатчи, маданиятчи ва маънавиятчи бўлиши билан иш битмайди. Ахборот полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфли бўлиб бораётган замонда ҳар бир онгли инсон, аввало, *мафкурачи бўлмоғи керак.* Шуни чуқур англашимиз зарурки, мафкурада танаффус бўлмайди. **Маънавий тарбия, аслида, мавкуравий жараёндир.** Шу маънода мазкур соҳадаги фаолиятимизда бир қанча тамойиллар муҳим аҳамият касб этади. Аввало, оддийлик ва доимийлик, яъни ишларни бошлаб, кейин ташлаб қўймаслик; ҳайбаракаллачилик, ўзибўларчилик, тўрачиликка йўл бермаслик лозим. Тизимлилик, яъни барча йўналиш ва соҳаларни қамраб олиш зарур. Маънавият дастурхондаги нон каби азиз бўлиши керак. Айниқса, фикр, сўз ва амал бирлиги, шахсий ўрнак кўрсатиш (мактабда — ўқитувчи, уйда — ота-она, маҳаллада — катталар) халқимизда ҳурматга сазовор этувчи хислатлардан ҳисобланади.

Бугун ҳар биримиздан янгича ишлаш, замон билан ҳамнафас бўлиш талаб этилмоқда. Бола кўнглига йўл топиш ўқитувчи ва мураббийлар учун ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ ва айни пайтда, мураккаб бўлиб қолди. Ўқувчи ва тарбияланувчиларга эътиборни янада кучайтириш, уларнинг ички дунёси ва ҳиссиётлари билан дўстона ўртоқлашиш, ҳар бирига мустақил шахс сифатида қараш, қобилияти ва салоҳиятини тўғри баҳолай билиш, аввало, ўзига нисбатан, қолаверса, ўзаро муносабатларда ҳурматда бўлиш маданиятини шакллантириш зарур.

Ота-оналарнинг, биринчи навбатда, азалдан оилада етакчи бўлиб келган, охирги пайтларда эса фарзанд тарбиясидан бироз четда қолаётган оталарнинг ролини кучайтириш муҳим. Аъло ўқийдиган, яхши хулқли ўқувчиларнинг ота-оналари иш жойига ва маҳалласига миннатдорлик хатлари, ташаккурномалар юбориш амалиёти йўлга қўйилса, нур устига нур бўлар эди. Бу уларнинг жамият олдидаги бурч ва масъулиятини янада мустаҳкамлаш билан бирга, кенг жамоатчилик орасида ҳам тарғибот-ташвиқот вазифасини ўтайди.

Давлатимиз раҳбари таълим тизимини инсон қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган соҳа сифатида баҳолаганида катта маъно бор. Бинобарин, истиқлолнинг илк йилларидаёқ баркамол авлодни тарбиялаш орзуси энг олий мақсадимизга айланган эди. Бу йўлда ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб борилдики, натижада, миллий таълим тизимимиз буткул янгиланди. Иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлаб олган мустақил республикамиз замон талабларига мос академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этиб, умумтаълим мактабларини эса янгидан қуриш, қайтадан таъмирлаш асносида жаҳон андозаларидаги ўқув анжомлари билан таъминлаб, узлуксиз таълим тизимини тўлиқ шакллантирди. Бугун юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ҳамма гап мазмунни бойитиш ва сифатга эътиборни кучайтиришда қолган.

**Абдуғани ХОЛБЕКОВ,**
**социология фанлари доктори, профессор**






# ОТА-ОНА ВА ЎҚИТУВЧИ – БОЛАНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

**Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаётганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо дарс бера бошлаган дастлабки кунларданоқ, мени бир савол ўйлантириб келади. Ўқувчиларнинг барчасида зеҳн, қобилият, қизиқиш бор. Шундай экан, нега уларнинг дарсларга эътибори, ўзлаштириши турлича? Мазкур масалага жавоб топиш мақсадида 6-«А» синфнинг энг аълочи ўқувчилари бўлган Рустам Хидиров, Жонибек Бегнаев ва Мухлиса Қурбонқуловани ўрганишга киришдим. Улар билан суҳбатлашдим, ота-оналарининг ҳам фикрини олдим.**

*Kuzatuv*

— Мен фармацевтика институтини тугатганман, — деди Рустам исмли ўқувчимнинг дадаси Ботир Хидиров. — Ишлайман. Ҳар куни фарзандларимнинг дарсларини кузатаман. Кундаликларини текшираман. Дарс қилаётганида қийналса, мендан, ойисидан, опасидан ёрдам олиб туради.

Биз бу ёрдамни бажонидил, бу сўровдан хурсанд бўлганимизни унга билдирган ҳолда қабул қиламиз.

**Нилуфар Бегнаева, Жонибекнинг онаси:**

— Ўғлимнинг ўқишини ҳар куни назорат қиламан. Мен ўрта махсус маълумотга эгаман. Дадаси олий маълумотли. Умуман, фарзандимиз берган саволларни ҳеч қачон жавобсиз қолдирмасликка ҳаракат қиламиз.

Синфнинг энг аълочиси деб топилган Мухлисанинг дадаси билан ҳам суҳбатлашдим: у техника университетини тамомлаган экан. Мухлисанинг онаси эса ТошМИни тугатган:

— Мухлисанинг ўқишини ҳар куни кузатиб борамиз. Дарс қилаётган пайтда қийинчилик туғилса, иккаламизга олиб келади, ёрдам берамиз. Қизим келажакда журналист бўлмоқчи. Биз ҳам шу даражага етгунича тинмай меҳнат қиламиз.

Ҳа, бу ота-оналарнинг ниятлари эзгу. Аниқ мақсад йўлида меҳнат қилишмоқда. Фарзандларининг камоли учун бор кучларини сарф қилишмоқда. Лекин афсуслар бўлсинки, ҳамма ота-оналар ҳам шундай эмас-да. Озгина вақтларини фарзандларининг билимини синаш, ўқишини назорат қилишга сарфлашга қизғанади ёки бунга эътибор бермайди.

Одатда ёш гўдакни юришга ўргатаётган пайтда унинг икки қўлидан ушлаб юргизишади. Бир қўлидан ушлаб юргизиб бўлмайди, йиқилиб тушади. Бола юриб, чопқиллаб кетгач, уни мактабга олиб келишади. Бола бошланғич синфларни яхши ўқийди. Чунки бир қўлидан ота-она тутади, яна бир қўлидан устози. Афсуски, ярим йўлда айрим ота-оналар фарзандининг тутган қўлини қўйиб юборишади. Яъни, фарзандининг ўқишидан хабар олишга вақт тополмайди. Натижада бола одимлашда қийнала бошлайди.

Шу ўринда ота-оналарга қуйидагиларни яна бир бор эслатиб, мурожаат қилгим келди: Азиз ота-оналар, фарзандларингиз билимли, ақлли бўлиб вояга етишида озгина вақтингизни қизғанманг. Эртага шу фарзандларингиз сиз суянадиган устун бўлади. Бугун фарзандларингиз учун сарфлаган меҳнатингиз ҳисобсиз бойлик бўлиб қайтишини бир ўйлаб кўринг.

**Ғайрат АШУРОВ,**
**Сергели туманидаги 317-мактаб ўқитувчиси**

# BURCHAK VA UCHBURCHAK BISSEKTRISALARINING FARQI NIMADA?

**Geometrik shakl va shakliy munosabatlarni mukammal o'rganish o'quvchilarni fazoviy ob'ektlarni to'g'ri tasavvur qilishga, shuningdek, geometrik xossalarni tushunish, anglash orqali mantiqiy fikrlashga yo'naltiradi. O'quvchi kelajakda qaysi kasbda faoliyat olib bormasin, bu kabi masalalarga duch kelishi aniq. Ayniqsa, me'morchilik va qurilish, muhandislik kabi sohalarni tanlagan yoshlar mazkur qonuniyatlarni chuqurroq o'rganishi shart. Bu boradagi bilimlar esa geometriya fanining har bir sabog'ida yanada mukammallashib boradi. Bugun taqdim etilayotgan dars ishlanmasi akademik litseylarning 1-kurs o'quvchilari uchun mo'ljallangan bo'lib, pedagogik texnologiya tamoyillarini qo'llagan holda interfaol usulda dars o'tish tavsiya etilayapti.**

**Mavzu:** Uchburchak medianasi, bissektrisasi va balandligi.

**Ajratilgan vaqt:** 2 soat

**Ta'limiy maqsadlar:** o'quvchilarga uchburchakning medianasi, bissektrisasi va balandligining ta'rifi, xossalarini tushuntirish va ularni berilgan tomonlari orqali topish usullarini o'rgatish.

**Tarbiyaviy maqsad:** o'quvchilarning geometriyaga bo'lgan qiziqishini oshirish.

**Rivojlantirish maqsadlari:** o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatish, dunyoqarashini kengaytirish, fazoviy fikrlashini o'stirish, qo'shimcha manbalar bilan ishlash ko'nikmasini rivojlantirish.

**O'quvchining maqsad va vazifalari:**

1. Kognitiv, idrok etish maqsadlari (nimani biladi va tushunadi?): uchburchak medianasi burchak uchi bilan shu burchak qarshisidagi tomonning o'rtasini tutashtiruvchi kesma ekanini biladi; uchburchak bissektrisasi burchak bissektrisasining uning uchi bilan shu burchak qarshisidagi tomonni tutashtiruvchi kesmasi ekanini biladi; uchburchak balandligi burchak uchidan qarshi tomoniga tushirilgan perpendikulyar ekanini tushunadi.

2. Psixomotor (faoliyat) maqsadlari (nima qiladi?): uchburchakning medianasini berilgan tomonlari orqali hisoblay oladi; uchburchakning bissektrisasini berilgan tomonlari orqali hisoblay oladi; uchburchakning balandligini berilgan tomonlari orqali hisoblay oladi.

3. Affektiv, xissiyot-qadriyatli maqsadlar (nimani sezadi?): teng yonli uchburchakning asosiga qarama-qarshi yotgan uchidan o'tkazilgan bissektrisa ham, mediana ham balandlik bo'lishini biladi; o'rganilayotgan masalaga qiziqish bildiradi va muhokamada ishtirok etadi; uchburchakning medianasi, bissektrisasi va balandligini hisoblashga oid masalalarni yechishda guruh bilan hamkorlik qilishga intiladi.

**Vaqt taqsimoti:**

Tayyorlov bosqichi — 10 daq.

Mavzu bo'yicha bilimlarini aniqlash va takrorlash bosqichi — 20 daq.

Anglash bosqichi — 20 daq.

Mulohaza (fikrlash) bosqichi — 20 daq.

Qisqa test — 10 daq.

**Darsni ta'minlash**

**O'quv materiallari:**

1) Adabiyotlar:

1. Pogorelov A.V. Geometriya. 7—11-sinflar uchun. Toshkent, 1991.

2. Isroilov I. Geometriyadan masalalar to'plami. Toshkent, 2001.

3. Isroilov I. Akademik litseylar uchun sinov darsligi. Toshkent, 2004.

2) chizmachilik qog'ozlari;

3) markerlar;

4) yopishqoq lenta (skoch);

5) 1,2,3,4,5 raqamlari yozilgan kartochkalar;

6) tarqatma materiallar.

**Dars uslubi:** interfaol, «B — B — B» strategiyasi, insert, muammoli va munozarali vaziyatni yaratish.

**Mashg'ulotning borishi**

**Mashg'ulot 3 bosqichda o'tkaziladi:** mavzu bo'yicha bilimlarini aniqlash va takrorlash, anglash hamda mulohaza (fikrlash).

**Tayyorlov bosqichi:** o'qituvchi tashkiliy qismdan so'ng o'quvchilarga 1,2,3,4,5 raqamlari yozilgan kartochkalar taklif etadi, ularning o'z kartochkalaridagi raqamlarga mos holda, kichik guruhlarga uyushishlari aytiladi. Darsning mavzusi, maqsadi (kutiladigan natija), o'tkazilish tartibini e'lon qiladi. O'quvchilardan taklif etilgan matnlarni kichik guruhlarda muhokama qilib, natijalar bo'yicha guruhlar sardori qisqacha axborot berishi lozimligini tushuntiradi.

O'quvchilar pedagog buyruqlarini tez va chaqqonlik bilan bajarishadi. Mikroguruhlarga uyushganlaridan so'ng, mashg'ulotga tayyor ekanliklarini bildiradilar hamda mashg'ulot mavzusi va undan kutiladigan natijalar haqida o'z mulohazalarini aytadilar yoki taklif etilgan natijalar ro'yxatini tasdiqlaydilar.

**Mavzu bo'yicha o'quvchilarning bilimini aniqlash va takrorlash:** o'qituvchi 3-5 daq. davomida aqliy hujum o'tkazadi:

1. Burchak bissektrisasi nima?

2. Teng yonli uchburchak deb qanday uchburchakka aytamiz?

3. Teng yonli uchburchakning qaysi tomoni asos va qaysi tomonlari yon deyiladi?

4. Teng yonli uchburchakning qanday xossalarini bilasiz?

**O'quvchilarning javoblari:**

1. Burchak uchidan chiqib, burchakni teng ikkiga bo'luvchi nurni burchak bissektrisasi deb ataymiz.

2. Ikki tomoni o'zaro teng bo'lgan uchburchakni teng yonli deb ataymiz.

3. Teng tomonlari yon, uchinchi tomoni esa asos deyiladi.

4. a) Teng yonli uchburchakning asosiga yopishgan burchaklari o'zaro teng.

b) Agar uchburchakning ikki burchagi o'zaro teng bo'lsa, u teng yonlidir.

v) Teng yonli uchburchakning asosiga o'tkazilgan medianasi unga ham bissektrisa, ham balandlik bo'ladi.

Ekspert guruhi javoblarni baholab, har bir guruh a'zolari uchun o'zlashtirish portfoliosini to'ldirib boradi.

**Anglash bosqichi:** o'qituvchi o'quvchilarga ma'ruzalar matnini tarqatadi va uni kichik guruhlarda «Bilaman — Bilishni xohlayman — Bilib oldim» strategiyasidan foydalanib o'rganishni tavsiya etadi. «B — B — B» strategiyasini qo'llash metodini tushuntiradi. Matn bilan ishlash vaqtida INSERT usulini qo'llash tavsiya etiladi.

Guruh orasida yurib, guruh a'zolariga tavsiya, maslahatlar berib boradi, savollarga javob beradi. Xususan, avval birinchi ustunni to'lg'azishni tavsiya qiladi. So'ngra o'z bilim va imkoniyatlaridan mohirona foydalanib, qo'shimcha savollar berib, ikkinchi ustunni to'lg'azishga erishadi.

Guruh sardorlari «B—B—B» jadvallari taqdimotiga navbat bilan taklif qilindi. Muhokama yakunida o'quvchilar uchinchi ustunni to'lg'azadilar.

Ekspertlar o'quvchilar fikrini ham e'tiborga olib, har bir guruh va uning sardorlari faoliyatini baholaydi.

Matn bilan ishlash vaqtida o'zlashtirilishi qiyin va noaniq bo'lib qolgan tushunchalar to'g'risida fikr almashadilar.

**Mulohaza (fikrlash) bosqichi:** o'qituvchi uchburchakning medianasi, bissektrisasi va balandligi mavzusiga oid quyidagi treningni o'tkazadi.

**Mulohazalar**

1. Agar uchburchakning asosiga yopishgan burchaklari teng bo'lsa, uning yon tomonlari ham teng bo'ladi.

2. Teng tomonli uchburchakning hamma medianalari ham shu burchakning bissektrisasi yoki balandligi bo'lavermaydi.

3. Qaysi chizmada bissektrisa to'g'ri berilgan:



1-chizma



2-chizma



3-chizma

4. Burchak bissektrisasi yon tomonlari bilan $90^0$ dan ortiq burchak hosil qilishi mumkinmi?

**To'g'ri javoblar:** 1. To'g'ri, 2. Teng tomonli uchburchakning hamma medianalari ham shu burchakning ham bissektrisasi, ham balandligi bo'ladi. 3. Faqat 1-chizmada, 4. Yo'q mumkin emas (asoslanadi).

Javoblar baholanib, portfolioga yozib boriladi. Dars yakunida portfolioda qayd etilgan barcha baholar e'lon qilinadi.

Dars so'ngida o'qituvchi 10 daqiqali blits(qisqa)-test o'tkazadi. Test namunasi 2-ilovada keltirilgan. So'ngra, darsga yakun yasab, o'quvchilarga uyga vazifa beradi (3-ilova).

**1-ilova**

**B — B — B jadvalini to'ldirish**

| Bilaman | Bilishni xohlayman | Bilib oldim |
|---|---|---|
| Burchakning bissektrisasini;<br><br>Uchburchakning medianasi va balandligini; | Burchak bissektrisasi bilan uchburchak bissektrisasi orasidagi farqni;<br>Teng yonli va teng tomonli uchburchaklarda bissektrisa, mediana va balandliklar o'rtasidagi munosabatni; | Uchburchak bissektrisasi bissektrisaning burchak uchidan to qarshi tomongacha bo'lgan qismi ekanini.<br>Teng yonli va teng tomonli uchburchaklar asosiga tushirilgan bissektrisa ham mediana, ham balandlik bo'ladi. |

**2-ilova**

**Nazorat uchun namunaviy test**

*1. Uchburchakning medianasi deb nimaga aytamiz?*

A) Uchidan asosiga tushirilgan perpendikulyarga.

B) Burchakni teng ikkiga bo'luvchi kesmaga.

D) Burchak uchini qarshi tomon o'rtasi bilan tutashtiruvchi kesmaga.

## *Sinab ko'ring*

E) To'g'ri javob berilmagan.

*2. Uchburchakning balandligi deb nimaga aytamiz?*

A) Uchidan asosiga tushirilgan perpendikulyarga.

B) Burchakni teng ikkiga bo'luvchi kesmaga.

D) Burchak uchini qarshi tomon o'rtasi bilan tutashtiruvchi kesmaga.

E) To'g'ri javob berilmagan.

*3. Uchburchakning bissektrisasi deb nimaga aytamiz?*

A) Uchidan asosiga tushirilgan perpendikulyarga.

B) Burchakni teng ikkiga bo'luvchi kesmaga.

D) Burchak uchini qarshi tomon o'rtasi bilan tutashtiruvchi kesmaga.

E) To'g'ri javob berilmagan

*4. Teng tomonli uchburchakning burchaklari qanday?*

A) hammasi o'tmas.

B) Bittasi albatta o'tmas.

D) Hamma burchaklari o'zaro teng.

E) Barcha javoblar to'g'ri.

*5. Teng yonli uchburchakning perimetri 7,5 ga, yon tomoni 2 ga teng. U holda uning asosi qancha?*

A) 3.

B) 3,5.

D) 4.

E) To'g'ri javob berilmagan.

*6. Teng yonli uchburchakning asosidagi burchaklardan chiqqan medianalar qanday munosabatda?*

A) Teng emas.

B) Teng.

D) Ularning yig'indisi asosiga teng.

E) To'g'ri javob berilmagan.

**3-ilova**

**Uyga vazifalar:**

1. Teng yonli yoki teng tomonli uchburchaklarning o'rtalari ham mos ravishda teng yonli yoki teng tomonli uchburchak hosil qilishini isbotlang.

2. Asosi AS bo'lgan teng yonli AVS uchburchakda BD mediana o'tkazilgan. Agar AVS uchburchakning perimetri 50 m, ABD uchburchakniki esa 40 m bo'lsa, BD mediana uzunligini toping.

3. Teng yonli uchburchak asosi 30 ga, yon tomoniga tushirilgan balandlik 24 ga teng bo'lsa, yon tomonini toping.

4. Umumiy asosli teng yonli ikki uchburchakning asosga tushirilgan medianalari bir to'g'ri chiziqda yotishini isbotlang.

5. Qo'shni burchaklar bissektrisalari orasidagi burchakni toping.

**Davron RAHIMOV,**
**Oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limini rivojlantirish markazi, "Zamonaviy pedagogik, axborot texnologiyalari va masofaviy ta'limni tatbiq etish" bo'limining bosh mutaxassisi, fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent**

*Kuzatuv*

**Тўй... бир томонда ота-она ҳовлиққан, қариндош-уруғ меҳмонларни кутиб олаяпти. Тўйхона жимжимадор безатилган, дастурхонда барча нознеъматлар муҳайё. Бир пайт ғала-ғовурда «Келин-куёв келди», деган гаплар эшитилди. Ота-онаю қариндош-уруғ уларни кутиб олиш мақсадида остона яқинига сафланди. Биз севиб тинглайдиган, қалбларимизга ўзгача руҳият бахш этадиган «Келибди-ю, келибди, ибо билан келибди» таронаси остида оҳиста қадам ташлаб келин-куёв кириб кела бошлади. Келинчакнинг ибо билан ерга боқиши, куёвнинг ота-боболаримиз асрлар давомида қадрлаб кийган зар чопонда кириб келишига барча меҳмонлар ҳавас билан қаради. Келин меҳмонларга бош эгиб салом қилар экан, ўртада шивир-шивир бошланди... Кимдир «Бир-бирига узукка кўз қўйгандек ярашибди» деса, яна биров «Бахтли бўлишсин», дея дуо қиларди. Келин-куёв давра тўридаги жойларини эгаллашди. Тўй даврасини ёши улуғ отахоннинг дуою фотиҳаси билан очиб берилди.**

# ТЎЙ ТЎЙДЕК БЎЛСИН

## *ёхуд кейинги пайтларда пайдо бўлаётган ортиқча дабдабалар хусусида*

Чиндан ҳам, тўйларимиз шундай гўзал одатлар билан ўтади. Ёшларнинг оила остонасига қадам қўйиши, ота-онанинг қувончли лаҳзалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Оила, хусусан, мустаҳкам оилага пойдевор айнан тўйда қўйилади. Тўйлар янги қариндошлик ришталарини боғлайди. Йиллар ўтса-да, ёдга олинадиган тўй саналари барчамизнинг қалбимизга қувонч улашади.

Ўзбек тўйларига авваладан тайёргарлик кўриб борилади. Ҳаммаси келин излаш, совчиликка бориш, нон синдириш, фотиҳа тўйи каби бир-биридан гўзал удумлар билан бошланади. Тўйлар қариндош-уруғ, маҳалла-кўй билан ўтадиган жуда тантанавор анъаналардан бўлиб, юртимизнинг ҳар бир вилоятида ўзига хос жиҳатлари билан фарқланади.

Кўпгина тўйларда келин-куёвнинг оналари ёшларга бахту иқбол тилаб, дуога қўл очиши урф бўлган. Келин-куёв ҳам яхши ниятлар билан уларга гулдаста улашади. Мана шу лаҳзаларда фарзандини гўдаклигиданоқ тарбиялаб, оқ ювиб, оқ тараган ота-онанинг чексиз қувончига гувоҳ бўласиз. Тўйдан сўнг эса келинсалом ўтказилади. У асосан келинни янги хонадон аъзолари томонидан қабул қилиниши, янги қариндошлари билан танишиб олиши учун ўтказилади. Аммо бу тадбир иштирокчилари бош эгиб салом бераётган келинга қимматбаҳо совғалар бериши шарт дегани эмас. Айрим тўй эгалари бу маросимда ортиқча сарф-харажатга, манманликка йўл қўймоқда. Қадимдан сақланиб келинган келинсаломнинг асл моҳияти бундай лаҳзада йўқолиши мумкин.

Тўйларда инсонпарварлик, иззат-икром, меҳмондўстлик, иноқлик каби олижаноб фазилатлар ўз ифодасини топади. Уларни ўзига хос байрам тарзида ташкил этиш, ҳар томонлама тартибга солиш, ихчамлаштириш, айниқса, мазмунан бойитишга қадим-қадимдан эътибор қаратилади. Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони кенг жамоатчиликка дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг ижросини таъминлаш баробарида маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

**Гавҳар АЛИМОВА, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари:**

— Тўй аслида кенг жамоатчилик, маҳалла-кўйнинг ташаббуси, меҳнати ва иштироки билан ўтадиган тантанадир. Республикада мавжуд ўн мингдан зиёд маҳалла фуқаролар йиғинларида Тўй-ҳашам ва маросимларни ўтказиш комиссияси фаолият юритади. Уларга ёши улуғ, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган отахону онахонлар жалб этилган. Комиссия раислари, маслаҳатчилар тўй бошлаган хонадон эгалари билан суҳбатлар ўтказиб, тўйларни тартибли, камчиқим қилишга чақирадилар. Муҳими, никоҳнинг қонунийлиги ҳамда ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтиши алоҳида таъкидланади. Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан тўйларни мазмунли, камчиқим қилиб ўтказиш учун эътиборга молик ишлар амалга оширилди ва натижада, дабдабали тўйлар деярли кузатилмаяпти.

**Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА, «Андижоннома» газетаси бўлим мудири:**

— Тўйларимиз ҳақида гапира туриб, қадрият, орзу-ҳавас деган ибораларни қўллаймиз. Аммо тўйларимизда бўлар-бўлмас янгича одатлар, ортиқча харажатларга йўл қўйиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Айниқса, базмдаги пул қистириш пайтида меҳмонларнинг навбат бўлиб кетиши жуда хунук манзара касб этади. Тўй ташвишларидан қутулиб, энди тин оламан десангиз, куёв чақириқ, қуда чақириқ каби ортиқча маросимлар бошланади. Водийнинг айрим ҳудудларига хос бир одат — тўйдан кейин келин ота-онасиникига ҳар борганида янги либос кийиб келади. Ота-она ҳам қизи келин бўлиб тушган хонадонга бир ой мобайнида ҳар куни (баъзилар уч маҳал) овқат жўнатиб туради. Бундан қандай маъно англашилади? Гўёки «Қизим оч қолиб кетаяпти» дегандек, тоғора-тоғора овқат ташиш қуда томонга малоллик туғдирмайдими? Социологларнинг аниқлашича, айнан бу ва қудалар ўртасидаги совға алмашинувлар турли низоларни келтириб чиқарар экан. Фарзандининг бахту камолини ўйламай, икки метр мато устида жанжал қилган қудалар ҳам йўқ эмас. Шундай экан, тоғора ва сарпо масалаларини қисқартириш мақсадга мувофиқдир.

Тўйда ёру биродарлар, ошна-оғайни, қариндош-уруғлар дийдорлашади, хурсандчилик баҳона гина-кудурат йиғиштирилади. Шундай файзли тадбирларни ўтказишда ортиқча шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш керакми? Айнан тўйларимиз орқали оиланинг қанчалик намунали, ибратли эканлиги намоён бўлади. Шундай экан, фарзандлар бахту камолининг илк қадами бўлган тўйларни мазмунли ўтказиб, уларни юксак қадрият даражасига кўтарайлик!

**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА, «Ma'rifat» мухбири**

*Siz nima deysiz?*

# ЯХШИЛИК ҚИЛИШДАН ҚЎРҚМАНГ

**Эҳтимол, дунёни гўзалликдан ҳам олдин яхшилик қутқарар. Яхшилик, яхши одамлар бор экан, ҳаётимиз нурли, серфайз. Заминни тутиб турган ҳам шулар бўлса керак. Бироқ... Яхшиларга осонмикан?**

**Самимий, одобли, ҳеч кимга ёмонлиги йўқ, доимо табассум қилиб турадиган, бир сўз билан айтганда, яхши бир инсонни танийман. Ҳар гал уни кўрганимда, юзимга нур текканд бўлади, кўнглим ёришади. Гапиришлари ҳам бошқача...**

«Менинг шу даражада яхши бўлгим келмайди», деб ичидаги гапини яширмайди ҳамроҳим унинг ортидан боқиб. Сабабини сўрамайман ҳам. Чунки ўшандай бўлиш осон эмас-да. Бунинг учун катта куч, ирода керак. Асосийси, инсон ўзини тарбиялай олиши шарт. Лекин ҳамроҳим бошқа нарсани назарда тутган бўлади: яхшилар доимо панд ейишади, атрофдагилардан кўп озор кўришади...

Табиийки, мен унинг фикрини кескин рад эта олмайман. Чунки ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди бунинг нечоғлик тўғри эканини. Шу билан бирга, уни оқлай олмайман ҳам. Қийин экан, деб яхшиликдан юз ўгириб кетавериш шартми? Йўқ... Йўқ...

Йўлда бир ҳамроҳимизнинг гапларини эшитиб, ўйланиб қолдим.

— Кичик қизим энди ўн бешга кирди, — деб гап бошлади аёл. — Лицейга кириш учун тайёргарлик кўраётган эди. Имтиҳонларга тайёрланиш учун китоблар керак. Таниш ҳамкасбим мактабда ҳам дарс беради. Қизимга керакли адабиётларни топиб бериши мумкин. «Сенга қандай китоблар керак бўлса, рўйхат қилиб, номларини ёз. Ўша опанг олиб келиб беради», деб айтдим. Дарров қўлига қоғоз-қалам олишини кутган эдим. Йўқ, бироз ўйланиб турди-да, шундай деди: «Агар мен мактабдаги китоблардан фойдалансам, қолган тенгдошларим уларни қайтаргунимча қидириб қолишлари мумкин. Анча қийналишади. Яхшиси, китоблардан нусха кўчиртириб оламан». Боламнинг олдида озгина мулзам бўлдим. Ўзим шуни ўйламабман-а...

Бир куни танишимнинг олий ўқув юртига ҳужжат топширган қизи уйимизга келди. Суҳбат орасида имтиҳонларда шпаргалка ва қўл телефонидан фойдалангани, шу орқали кўплаб саволларга тўғри жавоб топганини мақтаниб қолди. Кетганидан сўнг қизим менга: «Ойи, унинг ўзига айта олмадим-у, сиздан сўрай дегандим. Ўқишга шундай йўллар билан кириш тўғрими? Агар унинг омади келса, билимли, ақлли бир тенгдошининг ўрнига талаба бўладими?».

Бундай ҳолатлар кўп бўлган. Ўшанда бир жиҳатдан жажжигина инсоннинг пок қалбига ҳали ғубор тегмаганидан, ҳалоллик тўғрисида катталардай мушоҳада юритаётганидан қувондим. Боламнинг ҳаётга бу қадар соф нигоҳ, тоза туйғулар билан қарашидан мамнунлик туйдим. Нафақат у, опаси — катта қизим ҳам шундай: ҳар нарсага ҳалоллик, одамийлик жиҳатидан ёндашади. «Бундай қилсам, ёмон бўлмасмикан, фалон ишни қилсам, тўғри йўл тутган бўламанми?» каби саволларига баъзан ўзим ҳам жавоб бера олмай қоламан.

Одатда, инсоний фазилатларингиздан кўпчилик ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлади. Яхши одамларга осон эмаслигини жуда яхши биламан. Фарзандларим яхши инсон бўлишини чин дилдан хоҳлайман-у, лекин айнан шу туфайли панд ейишларини, кўп азият чекишларини тасаввур қилиб, барибир, қўрқаман...

Мен опага яхшилик ҳеч қачон унутилмаслигини, яхши одамларнинг юзи ҳар доим ёруғ бўлишини айтиб, таскин бердим. Аслида, буни ўзи ҳам мендан яхши биларди.

Муқаддас китобларда инсон ўзи учун хоҳлаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўриши ҳақида (ёки аксинча) айтилади. Шундай экан, биродарингга яхшилик соғинмоқ ҳам яхшиликдир. Онасини «хавотирга сола бошлаган» бояги қиз эса ўзига нимани яхши деб билса, ён-атрофдагиларига ҳам шуни тилайди. Нимани ёмон деб ўйласа, одамларга ҳам раво кўрмайди. Демак, унинг мурғак қалбини яхшилик қилиш, яхши бўлишдек эзгу истак эгаллаган...

Жасур ака ҳаммага яхшилик соғинади. Қўлидан келган ёрдамини ҳеч кимдан аямайди. Хоҳ у таниш бўлсин, хоҳ бегона. Ўзининг ишини четга суриб бўлса-да, бировнинг оғирини енгил қилишни ўйлайди. Ҳеч бўлмаса, ширин сўзлар билан кўнглини кўтаради. Аммо... ҳар доим уни алдаб кетишади.

«Одам ўзини ҳам ўйлаши керак», дея ақл ўргатишади унга ачинган ҳамкасблари. У эса ҳеч нарса демайди. Маъюсгина жилмайиб қўяди, холос...

Яхшиларнинг туртинганлари, чеккан машаққатлари вақтинча. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Яхшиликнинг мукофоти улуғ»... Шунда ўзим ҳам яхши бўлишга ҳаракат қиламан. Яшагим келади, яхши бўлиб яшагим келади.

Яхшилик қилиш қийин, деганлар янглишади. Оллоҳ бизга уни шу қадар осон қилиб қўйганки... Энг муҳими — Яратган ҳам яхши бандаларини яхши кўради. Шундай экан, яхшилик қилишдан асло чўчиманг...

**Беҳзод ФАЗЛИДДИНОВ**

*Yoqimsiz ish va noxush xayollarni keyinga «surish» — ijtimoiy tarmoqda soatlab qolib ketish sabablaridan biri.*



# «FACEBOOK» ФЕНОМЕНИ: ОДАМЛАР ОРАСИДАГИ ЁЛҒИЗЛИК

**Аср бошида биз бутунлай янги ихтиро – ижтимоий тармоқлар билан танишдик. Тез фурсатда улар ҳаётимизнинг бир қисмига айланди. Ёдингиздами, интернетдаги мулоқот одамларга дастлаб ғайриоддий туюлган, ҳеч ким уни жиддий қабул қилмаганди. Ҳозир эса акси, жонли мулоқотдан воз кечиб, виртуалликка “бош олиб кетаётганлар” сони ортиб бормоқда. Тўғри-да, ижтимоий тармоқлар компьютердан узилмай туриб дўстлар билан гаплашиш, уларга совға юбориш, дунёнинг исталган чеккасидаги воқеадан хабар топиш имконини бермоқда. Ҳозир одамларнинг руҳияти, турмуш тарзи ва ўзаро муносабатларида ижтимоий тармоқларнинг таъсири катта.**

## НОНУШТА, «ОДНОКЛАССНИКИ» ВА КЕЧКИ ОВҚАТ

Огайодаги Кет университети (АҚШ) профессори Уильям Кист мулоқотнинг янги усуллари уни хавотирга солаётгани ҳақида шундай фикр билдирган: «Мен кафеда мук тушиб, ўз ноутбуклари ичига кириб кетаётган одамларни кўрганимда, биз бир-биримиз билан деярли гаплашмай қўйганимизни англайман». Чиндан ҳам, «Facebook», «Twitter», «Одноклассники» ва «Мой мир» сайтларини айримлар нонушта, тушлик ва кечки овқат сингари кундалик эҳтиёжларидан бири деб билади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун шунчаки ён-атрофга қараш, ёшларнинг гап-сўзларига қулоқ тутиш кифоя. Автобусда, кўчада, исталган жойда бутун борлиғи билан телефон, нетбук ёки планшетлар «ичига кириб кетган» одамларни кузатамиз. Бундан уч ёки тўрт йил олдин «ижтимоий тармоқлашиш» жараёни бу қадар шиддатли тус олмаган эди. Технологик тараққиёт туфайли кўпгина инсоний қадриятлар ўзгача кўриниш касб этди. Луғат бойлигимизда ҳақиқий, кундалик ҳаёт («real life») ва «online» деб аталувчи виртуал ҳаёт атамалари пайдо бўлди. Олдин қанақа эди? Поездда, самолётда бирор одам билан танишасиз, суҳбатлашасиз – вақт ўтиши билан у одам хотирангиздан, ҳаётингиздан изсиз йўқолади. Мактабни битиргач синфдошлар, университетни тамомлагач курсдошлар билан алоқангиз маълум вақт узилади. Ҳозир эса танишларингизни «Facebook» ва “Одноклассники” сайтларидан топиб, улар билан мунтазам хабарлашиб туриш имкониятингиз бор. Ижтимоий тармоқда танишларингиз ҳаёти, кундалик ишлари кафтдагидек намоён бўлади. Бироқ бу каби мулоқотларнинг фойдасидан зарари кўпроқ: дейлик, сиз дўстингизни бир неча ойлардан буён кўрганингиз йўқ, аммо интернет орқали у билан ҳар куни суҳбатлашасиз. Виртуал алоқа орангиздаги меҳрни сўндиради, суҳбат шунчаки қуруқ ахборот алмашиш жараёнига айланади. Оқибатда бир-бирингизга айтадиган гапингиз қолмайди. Бу эса ёмон, жуда ҳам ёмон.

## ТЕЛЕФОННИ УЙДА ҚОЛДИРИНГ!

Синфдошлар билан учрашув ташкил қилдик. «Қизиқ» бўлди: йиғилишнинг асосий қисми «Одноклассники» сайтига ким қанча расм юклаганию, қандай танишлар орттиргани ҳақидаги гаплар билан ўтди. Баъзилар ўша жойнинг ўзида ҳам икки-уч марталаб сайтга кириб, ўз саҳифасини текшириб чиқди. Хуллас, гап-гапга қовушмади, йиғилиш биз кутгандек қизиқарли бўлмади. Кейинги сафар телефонларни уйда қолдириб келишга сўз бердик...

Ижтимоий тармоқлар узоқдаги одамларни яқинлаштириш билан бирга, яқиндаги одамларни бир-биридан узоқлаштиради ҳам. Улар дўстларимиздан виртуал тарзда хабар олиш имкониятини яратди: учрашувлар, хатлар, қўнғироқларга ҳожат йўқ. Монитор, клавиатура ва биргина тугма – улар ёрдамида «катта» ишларни амалга оширса бўлади.

«— Anvarni qaerda ko'rding?

— «Skype»da. Ishlari yomon emas, hozir yangi loyiha ustida ish olib boryapti»...

Одамларни хавотирга солаётган яна бир жиҳат — ижтимоий тармоқларда шахсий маълумотларнинг сақланиши. Уйландингизми – ўз саҳифангизда бу ҳақида маълумот қолдиринг. Қарабсизки, бир неча дақиқалардан сўнг ҳамма танишларингиз сизни “янгилик” билан табриклашни бошлайди. Бу ерда «шахсий» деган тушунчанинг ўзи йўқ: маълумотлардан ҳар ким истаганча фойдаланиши мумкин. Ҳаётимиз биз таниган ва танимаган кимсалар томонидан кузатилади, сақлаб қўйилади, баҳоланади. Бутун ўтмишимиз ва ҳозиримиз «Facebook»даги саҳифамизда акс этади. Аммо бунга «Facebook» айбдор эмас. Сайт рўйхатидан ўтиш, шахсий маълумотларимизни қолдириш ва расм юклашга ҳеч ким мажбурламаган бизни.

## ТУШКУНЛИКДАН ҚУТҚАРИНГ!

«Дэйли Мэйл» («The Daily Mail») нашрида чоп этилган Оксфорд университети профессори Сюзан Гринфилднинг мақоласида инсон руҳиятидаги салбий ўзгаришлар ижтимоий тармоқлар билан ҳам боғлиқ экани таъкидланади.



Аниқланишича, ўта оддий виртуал мулоқотлар инсонда руҳий оғишларни вужудга келтирар экан. Яъни, одам ижтимоий муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослаша олмайдиган бўлиб қолади. Шунингдек, келажакка ишончнинг йўқолиши, ўзига нисбатан нохолис баҳо бериш, тушкунлик, тажовузкор хатти-ҳаракатлар, муросасиз фикрлар, ижтимоий фаолликнинг сусайиши каби ҳолатлар кўзга ташланади. Таъкидлаш керакки, ижтимоий тармоқларнинг доимий мижозлари вербал мулоқотга киришиш кўникмасини йўқотади, масалан, суҳбат чоғида улар суҳбатдошининг кўзларига қарай олмайди.

Жонли мулоқот, спорт ва юлдузли осмон остидаги сайрлар инсонга тетиклик бағишлайди, кайфият улашади, шундай бўлишига қарамасдан, ижтимоий тармоқлар шиддат билан оммалашиб бормоқда. Нега? Буюк Британиянинг Олий дизайн мактаби талабаларига ўқилган маърузада ижтимоий тармоқларда инсонлар бошидан кечирадиган янги кўринишдаги ҳис-туйғулар, интернет тобелиги муаммоси, шахс ва унинг ижтимоий тармоқдаги «нусхаси» ўртасидаги ўхшашлик ҳақида бир қанча янги хулосалар баён этилган (Cossa.ru).

Психологияда ўзгалар эътиборига тушиш, деган тушунча бор. Бунда бир шахснинг бошқа бир шахс томонидан тан олиниши, жумладан, мақташ, жилмайиб қараш, имо-ишоралар ёрдамида қўллаб-қувватлаш, сўзлаш, фаол тинглаш каби ҳаракатлар назарда тутилади.

Атрофдагилар диққатини тортиш учун инсон турли усуллардан фойдаланади. Кимдир масъулият ва ғайрат билан ишловчи ходим вазифасини бажаради, кимдир ташқи кўринишига эътибор қаратади.

«Facebook»даги «лайк» (ингл. Like «менга ёқди») тугмаси ҳам эътибор жалб қилишнинг ўзига хос усулидир. Аллакимнинг юклаган расми, қолдирган маълумоти сизга ёқса, буни билдириш ёки маълумотни бошқаларга тавсия қилиш учун «лайк»дан фойдаланишингиз мумкин. Ижтимоий тармоқларнинг фаол фойдаланувчилари шу йўл билан ўзларининг «мавжудлигини» исботлашга уринишади.

Оиласи ва шахсий ҳаётидаги муносабатлари рисоладагидек бўлган одам ижтимоий тармоқларда кимларнингдир эътиборига муҳтож эмас ва улар бу ерда нисбатан кам вақт ўтказишади. Оддий фойдаланувчи тармоққа асосан ахборот олиш ва мулоқотга киришиш мақсадида мурожаат қилса, ижтимоий тармоқ ишқибозлари шахсий ҳаётларидаги бўшлиқларни шу йўл билан тўлдирмоқчи бўлишади.

## МУАММОЛАРДАН ҚОЧИБ

Ҳеч ҳам қондирилмайдиган очлик ҳолати фанда "булимия" деб юритилади. Ижтимоий тармоқларга муккасидан кетган одамни мулоқот булимиясига чалинган беморга қиёслаш мумкин. Негаки, ҳар куни 6-7 соатлаб вақтини ижтимоий тармоқларга бағишловчи одамлар у ерда шунчаки вақт ўтказаётгани ҳақида ўйлашнинг ўзи қўрқинчли.

Ёқимсиз иш ва нохуш хаёлларни кейинга «суриш» — ижтимоий тармоқда соатлаб қолиб кетиш сабабларидан бири. Бирор масалага ечим топиш ёки муайян ишни бажариш керак бўлган вақтда мия ортиқча қувват сарфлашдан «бўйин товлаб», одамни бошқа нарсалар билан чалғитишга уринади: «ижтимоий тармоққа кир, у ерда иш қилмайсан, одамлар билан гаплашасан, холос». Агар бу жараён назорат остига олинмаса, фойдали иш қилиш ўрнига ижтимоий тармоқда беҳуда вақт сарфлашга одатланиб қолиш ҳеч гап эмас.

Виртуал тобеликка чалинган инсоннинг ҳаёт суръати ҳам шунга монанд ўзгаради. У ижтимоий тармоқлардаги ҳамма янгиликлардан бохабар бўлиб туришни хоҳлайди, гарчи аслида бу умуман зарур бўлмаган, фойдасиз хабарлар бўлса ҳам. Шунингдек, ижтимоий тармоқдан ташқарида (офлайн) у ўзини муҳим янгиликлардан бехабар қолиб кетаётгандек, дунёдан узилиб қолгандек сезади. Ваҳоланки, дунё электрон қути ичида эмас, унинг атрофида.

## ИНТЕРНЕТДАГИ «ҚАҲРАМОН»

Интернетда шахс бутунлай бошқа томондан намоён бўлади. Масалан, ҳиссий ва шахсий ривожланишда муаммолари бор, оилада эътиборга муҳтож бир фойдаланувчи. У оила аъзоларининг меҳрига муҳтож. Бир қарашда унинг муаммоларига ечим топса бўлади. Фақат бунинг учун ўз устида тинимсиз ишлаш, тўсиқларни енгиш, зарарли одатларни ташлаш керак. Интернетда эса ҳаммаси осон, у ўзини қандай хоҳласа, шундай кўрсатиши, аллақандай сониялар ичида ўзидан «қаҳрамон» яратиши мумкин.

Бироқ интернет одамдаги муаммоларни бартараф этмайди, бир муддат унутишга ёрдам беради холос. Қўшимчасига, шахс ижтимоий ҳаётдан узилиб, ундаги масъулият, ўзликни англаш, бошқаларга ғамхўрлик қилиш каби хусусиятлар ривожланишдан тўхтайди.

Реал ҳаётда инсон қилган ҳар бир иши учун деярли ўша вақтнинг ўзидаёқ жавоб олади. Агар суҳбатдошнинг кўзларига қараб, бирор савол берилса, унинг жавоб бериши ёки бермаслигини олдиндан билиш мумкин. Ижтимоий тармоқларда эса мавҳумлик бор. Сиз кимгадир савол йўлласангиз, унга қачон жавоб келишини фақат тахмин қиласиз. Фикр ва ҳиссиётларнинг тўла ифодаланмай қолиши инсонлар орасидаги келгуси муносабатларда салбий акс этиши мумкин.

Белоруссиялик мутахассис Евгений Морозовнинг «Тармоқ уйдирмаси» («The Net Delusion») номли китобида айтилишича, ижтимоий тармоқлар беғам ва эринчоқ одамлар авлодини тарбияламоқда. Чиндан ҳам, «Одноклассники»дан бошқа ерда дўсти бўлмаган, ижтимоий тармоқлардан бошқа мавзуда тайинли гап айта олмайдиган ёшларнинг аҳволи жуда ҳам аянчли. Уларнинг аксарияти ҳаётнинг мураккаб ва зерикарли эканидан нолийди...

Юқорида ҳаётимиз икки турга ажралгани ҳақида гапирдик: тармоқда — онлайн, тармоқдан ташқарида эса офлайн. Қаерда кўпроқ вақт ўтказсангиз, ўша ерда сиз ўзингизни яхши ҳис қиласиз. Ўша ҳаёт сиз учун муҳим. Виртуал олам ундан фойдаланувчи ҳар бир инсон учун хавфли демоқчи эмасмиз. Аммо унга борлиғингиз билан «шўнғиб» кетсангиз ҳиссиётлар ва шахсий ҳаётингиздан маҳрум бўлишингизни эслатиб қўймоқчимиз, холос!



**Висола ҚАРШИБОЕВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

*Ultratovush orqali batareyaga ta'sir ko'rsatilganida ham elektr energiya ishlab chiqarish samarasi oshgan. Shundan kelib chiqqan holda, olimlar mazkur ixtiro grafen asosidagi, issiqlik va ultratovush bilan to'yinadigan ilk batareya ekanini ta'kidlashmoqda.*



# ГРАФЕН БАТАРЕЯСИНИНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧИ




**Гонконг политехника университети амалий физика ва материалшунослик факультети олимлари иссиқлик энергиясидан электр қувватини ҳосил қилувчи графен батареясини яратишди. Эътиборлиси, ушбу электр ҳосил қилувчи ускуна қурилмаси оғирлиги ҳам имкон қадар минимал бўлган: унинг солиштирма энергия сиғими 70 кВт·с/кг, дейилади «Компьюлента» манбасида.**

Олимлар кремний асосга жойлаштирилган графен қатламига олтин ва кумушдан ясалган электродларни улаб, сўнгра уни мис дихлорид эритмасига ботиришди. Бунинг натижасида 0,35 В кучланишга эга электр токи ҳосил бўлган. Шундай графен батареяларнинг олтитасини жамлаган ҳолда стандарт ёруғлик диодини қувватлашга эришилди.




Натижалар асосида графен қатлами электронларнинг ҳаракатчанлиги ҳамда эритмадаги мис ионларининг кинетик энергияси таъсири остида ток ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлди. Аҳамиятлиси, бунда ҳарорат ошгани сари ишлаб чиқариш самараси ҳам кўтарилган, демак, батареяни қувватлаб, узоқ муддат ишлатиш мумкин экан.

Қолаверса, ультратовуш орқали батареяга таъсир кўрсатилганида ҳам электр энергия ишлаб чиқариш самараси ошган. Шундан келиб чиққан ҳолда, олимлар мазкур ихтиро графен асосидаги, иссиқлик ва ультратовуш билан тўйинадиган илк батарея эканини таъкидлашмоқда.

# ФУКУСИМАДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

**2011 йил 12 апрелда Японидаги зилзила ҳамда цунами содир бўлганидан бир ой ўтиб, мамлакатнинг Ядро ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги муассасаси томонидан фалокат даражаси аввал белгиланган бешинчи кўрсаткичдан етти кўрсаткичга кўтарилди. Бу ядро ҳалокатлари халқаро шкаласидаги энг юқори кўрсаткич, деб ёзди «ФизОрг» манбаси.**

Шундан сўнг кўпчиликда Фукусимадаги ҳолат Чернобиль АЭСидаги каби, деган янглиш фикр туғилган. Аммо шунча вақтдан бери вазиятни ўрганиб келаётган Австралия ядро ассоциацияси вице-президенти, Ядро энергияси халқаро ассоциацияси аъзоси Дон Хигсон бу икки АЭСдаги ҳолат бир хил эмаслигини таъкидламоқда.

1990 йили Атом энергияси халқаро агентлиги томонидан тасдиқланган шкала бўйича ҳодиса жойи ва ташқарисидаги оқибатлар 7 баллик тизимда баҳоланади. Фукусимагача бундай юқори хавф кўрсаткичи билан фақат Чернобиль АЭСидаги фалокат баҳоланган. Лекин австралиялик мутахассиснинг таъкидлашича, ҳозиргача Фукусима АЭСи ташқарисидаги бирор-бир одамнинг нурлангани тўғрисидаги маълумот олинмаган. Чернобилдаги ҳалокатда эса, хавфсизлик тизимлари умуман ишламай қолган, ҳимоя қатламисиз қолган реакторнинг фаол қисми тўлиқ эриб кетган. Қолаверса, 237 нафар АЭС ходими ўткир нурланишга учраган, деган ташхис билан шифохонага келтирилган. Уларнинг 134 нафарида чиндан ҳам нурланиш борлиги тасдиқланган, аввал 28 нафар, кейинчалик яна 20 нафар инсон шифохонада ҳаётдан кўз юмган. Икки нафар ходим воқеа жойида ҳалок бўлган, яна бир нафари бедарак йўқолган. Бундан ташқари, станцияга яқин ҳудудда яшовчи 4 мингга яқин аҳоли тўғридан-тўғри радиация таъсирига учраган.



Фукусимада эса 9 балли магнитуда ҳолатида ҳам унинг реакторлари хавфсиз равишда тўхтатилган. Муаммо эса зилзиладан сўнг юзага келган кучли цунами оқибатида пайдо бўлган. Натижада, электр энергияни узатиш ва совутиш тизимлари тўлиқ ишдан чиққан. Шу боис бир қатор фаол қисмлар қизиб кетган, бир нечта портлашлар содир бўлганига қарамай, реакторлар ҳалокатга бардош берган. Реактор майдончаларида радиация даражаси баландлигидан потенциал хавф туғилган бўлса-да, назорат тизимлари самарали ишлаган. Радиация билан боғлиқ ўлим ҳолатлари қайд этилмаган, фақат икки нафар ходим куйган, яна икки нафарида нурланиш кузатилган. Айни пайтда ўткир нурланиш касаллиги қайд этилмаган. Алоҳида таъкидлаш зарурки, АЭС ташқарисидаги бирорта ҳам одамга радиация таъсири бўлмаган.

Мазкур икки ҳолатни таққослаган ҳолда мутахассис ҳалокатлар хавфини белгилаш шкаласига ўзгартириш киритиш фикрини илгари сурмоқда.

**Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.**

## JUMLADA JAHON
yangiliklari ● xabarlari

Япония метеорологик хизматининг хабар беришича, Токио шаҳрига соатига 117 километр тезликда яқинлашаётган, охирги 50 йилликнинг энг кучли довули туфайли маҳаллий аҳоли цунами хавфи ҳақида огоҳлантирилди, 600га яқин авиапарвозлар қолдирилиб, қатор йирик автомагистралларда ҳаракат тўхтатилди, идора ва муассасаларнинг минглаб ходимларига ишга чиқмай туриш зарурлиги айтилди.

**Франс-Пресс ахборот агентлигининг маълум қилишича, Мексика пойтахти Мехикода содир бўлган 6,3 балли зилзила оқибатида қурбонлар ва вайроналиклар бўлмаса-да, табиий офат минглаб одамларни ҳеч бир асоссиз ваҳима сабаб ўз уйларини тарк этишга мажбур қилди.**

Италиянинг «Эни» («Eni») нефть-газ компанияси томонидан Мозамбик соҳилларида янги топилган, камида 283 миллиард куб метр захирага эга йирик газ кони мамлакат табиий газ захирасининг 1,1 триллион куб метр бўлишига ҳисса қўшди.

**Калифорния штатининг (АҚШ) Окленд шаҳридаги Ойкос университети ҳудудида корейс миллатига мансуб, ушбу таълим муассасасининг собиқ талабаси 43 ёшли Ко Ван номаълум сабабларга кўра ўт очгани оқибатида 7 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган, яна уч нафари жароҳат олган.**

## Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган умумтаълим мактабларининг 2-, 3-, 5-синфлари учун 2012-2013 ўқув йилида чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик комплексларини танлов асосида танлаб олиш бўйича танлов ғолиблари РЎЙХАТИ

| Т/Р | Дарслик номи | Синфи | Муаллифлари |
|---|---|---|---|
| 1 | Ўқиш китоби (ўзбек тилида) | 2 | Талъат Ғаффорова, Шаҳло Нуриллаева, Зебунисо Мирзаҳакимова |
| 2 | Математика (ўзбек, рус ва қардош тилларда) | 2 | Нобия Абдураҳмонова, Лола Ўринбоева |
| 3 | Одобнома (ўзбек ва қардош тилларда) | 2 | Ойша Ҳасанбоева, Адолат Неъматова, Муҳайё Иноятова |
| 4 | Меҳнат таълими (ўзбек, рус ва қардош тилларда) | 2 | Ҳамроқул Санақулов, Дилрабо Ҳодиева, Азиза Санақулова |
| 5 | Ўзбек тили (рус ва қардош тилларда) | 2 | Абдурозиқ Рафиев, Гулнора Муҳаммаджонова, Турғун Тошпўлатов |
| 6 | Ўқиш китоби (ўзбек тилида) | 3 | Муҳаббат Умарова, Хуршида Ҳамроқулова, Раъно Тожибоева |
| 7 | Математика (ўзбек, рус ва қардош тилларда) | 3 | Саттор Бурҳонов, Ўктам Худоёров, Қаршигул Норқулова |
| 8 | Одобнома (ўзбек ва қардош тилларда) | 3 | Моҳира Холиқова, Шаҳноза Эргашева |
| 9 | Меҳнат таълими (ўзбек, рус ва қардош тилларда) | 3 | Ҳамроқул Санақулов, Дилрабо Ҳодиева, Азиза Санақулова |
| 10 | Информатика (ўзбек, рус ва қардош тилларда) | 5 | Дилором Камолитдинова |

## Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедраларида мавжуд бўлган қуйидаги бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади:

**Кафедра мудири:**
1. Кимё ва уни ўқитиш методикаси.
2. Рус ва чет эл адабиёти.
3. Рус тили ва адабиёти ўқитиш методикаси.
4. Корейс тили ва адабиёти ўқитиш методикаси.
5. Немис тили ва уни ўқитиш методикаси.
6. Инглиз тили амалий курси.
7. Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти.
8. Умумтехника фанлари.
9. Касб таълими методикаси.
10. Чизмачилик ва уни ўқитиш методикаси.

Кафедра мудири лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

**Мулоқот учун телефон: 255-68-70.**

# «БИР ЧИРОҒИНГМАН, ВАТАН»

Ватан ҳақида ҳар бир ижодкор жўшиб куйлайди. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг «Буғдойбўй Ватан» китобидан ҳам «туғи абад баланд кўрғон» она-юрт ҳақидаги сара шеърлар, публицистик мақолалар, бадиа ва суҳбатлар ўрин олгани бежиз эмас. Китоб уч бўлимдан иборат бўлиб, «Офтобтахтим менинг, ойтахтим менинг»даги «Ватан надир», «Ватан берилмагай», «Озод, обод, гул Ватан», «Бобожонимнинг Ватани» каби шеърларда ғурур билан она-диёр алқанади. Шоир:




***Тонг қуёши кўрпа ёйган***
***нурли айвоним менинг,***
***Бир диёрга бўй таратган***
***даста райҳоним менинг,***

ёки

***Бешикларда ўйнаган***
***оппоқ-оппоқ қўлчалар,***
***Кўзмунчоққа сўйлаган***
***кўзмунчоқдай кўзчалар,***
***Очилган гул-ғунчалар, қанду***
***асал кулчалар,***
***Момоларинг тўй қилган***
***айвонлари Ватандир, —***

каби ўзбекона, латиф ташбеҳлар билан юрт манзараларини чизади.

«Ватанни ўрганиш» бўлимида устоз ёзувчи Шукур Холмирзаев, Муҳаммад Юсуф билан боғлиқ хотиралар, Маҳмуд Тоир шеърларининг жозибаси ҳақида бадиалар, адабий мақола ва суҳбатлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган бу китоб 3000 нусхада чоп этилган. Сирожиддин Саййиднинг Ватан ва халқ тийнати ҳақидаги гўзал ташбеҳларга бой ушбу китоби фақат адабиёт мухлисларига эмас, балки юрт ишқида ёниб яшаётган каттаю кичик — барчага бирдек манзур бўлишига, китоб жавонингиздан ўз ўрнини топишига ишонамиз.

**Маҳмуда ЗОИРХОН қизи**







## Taqriz




# АМАЛИЙ ТАРЖИМА УЧУН МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Олий ўқув юртида кўп йиллардан бери талабаёшларнинг танлаган ихтисосини чуқур ва кенг эгаллашларида самарали ишлаб келаётган, бу соҳада бой ва қимматли тажриба орттирган олим, тадқиқотчи ўқитувчилардан О.Мўминов, С.Ходжаева, Н.Раҳимова, С.Султонова, Д.Инамова ва бошқалар яратган икки жилддан иборат «Practical course in translation» («Амалий таржима») курси ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган бўлиб, у 2011 йили чоп этилиб, соҳани ўрганишга ташна талабалар қўлига етиб борди.

Ушбу амалий қўлланма республика университетларида таржимонлик мутахассислиги бўйича таълим олаётган II—III, IV босқич талабаларига мўлжалланган, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқ кўникмалари ҳамда таржима қилиш лаёқатларини кучайтириш, йўналтириш, онгли иштиёқларини уйғотиш, малакали мутахассис бўлиб етишишларида катта ёрдам беради.

Ўқув қўлланманинг ҳар бир жилди пухта ўйланган бўлимлардан ташкил топган. Унда Ўзбекистон республикаси ҳамда Буюк Британия мамлакатларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маиший, таълим, ҳуқуқ, спорт, мусиқа сингари жуда катта соҳалари тўғрисида ҳикоя қилувчи, таништирувчи ранг-баранг материаллар ўрин олган. Ора-оралаб талабалар учун шу соҳаларга бевосита дахлдор машқлар, ўйлаш, фикрлашга ўргатувчи турли-туман саволлар жойлаштирилган.

Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этиш зарурки, матнлар, машқлар, савол-жавоблар тузиш, жойлаштиришда уларнинг мазмундор бўлишига жиддий эътибор қаратилган. Талабалар ушбу матнлар, савол-жавоблардан Ўзбекистон ва Буюк Британия ҳаётининг муҳим соҳалари бўйича ўзларига зарур, доим керак бўладиган маълумотларни оладилар.

Қўлланманинг иккинчи муҳим томони — муаллиф-тузувчилар матнларнинг замонавий ахборот билан тўкис бўлиши — информативлигига жиддий эътибор қаратганлар. Шунга кўра, бу ахборот замонига ғоятда мос қўлланма.

Қўлланма матнлар устида ишлашни осонлаштирувчи луғатлар билан таъминланган.

У учтилли асосда тузилган. Талабалар ўзбек, инглиз, рус тилларидаги матнларни ўзаро таржима қилиб, қиёсий таржима кўникмаларини ўстирадилар. Қиёсий таржима эса, таржимонликда етук, билимдон, моҳир мутахассислар тайёрлашда қўл келади.

Қўлланмадан ҳар икки мамлакатнинг ўтмиш тарихи билан таништирувчи бир қанча матнлар ҳам ўрин олган. Зеро, замонавий ҳаётни фақат тарих орқалигина теран билиш, тушуниш, идрок этиш самара беради. Қўлланмада фразеологик бирликлар, турли атамалар, реалиялар ҳам акс эттирилганки, талаба уларни таржима ва транслитерация қилиш асносида зарур бўлган лаёқатларни орттиради.

Назаримизда, қўлланмада савол-жавоблар ҳамда луғатлар янада кўпроқ келтирилиши мумкин эди. Айрим луғатларда сўзларнинг асл маъноларини янада шакллантириш, конкретлаштириш, маъно товланишлари, синонимик қаторлар бойлигига эътибор қаратиш мумкин эди. Масалан, 85-саҳифада «ламентс» сўзи «арз» деб берилган. Ҳолбуки, «ламентс» сўзи ўзбекчада *нола, изтироб, йиғи-сиғи, ўлган эр, элегия, марсия, қайғули қўшиқ* маъноларини ҳам англатади. Ёки «мейстрим» сўзи — «асосий тор», «основная струя» деб тушунтирилган. Ҳолбуки, у «асосий йўналиш», «бош йўл» маъноларини беради. Шундай бўлса-да, ишонч билан айтиш мумкинки, яхлит ҳолда, қўлланма талабаларга жуда катта ёрдам кўрсатади ва уларнинг яқин дўсти бўла олади.

**Иброҳим ҒАФУРОВ, доцент**

# ШОИРНИНГ ИЖОД БОҒИ




Шеърият шундай бир оламки, елдек ўтувчи умримизнинг турли фаслларидаги ёқимли ифорлар, ўй-хаёллар ва туйғулар унда акс этади. Мадамин Кўчқор ўз шеърлари билан инсонлар кўнглидан жой олишга интилган муаллим шоирлардан бири эди. У мамлакатимизнинг энг чекка туманларидан бири — Шовотда яшаб, ижод қилди. Яқинда у шоирнинг "Тунги боғ" тўплами шеърият ихлосмандларига тақдим этилди.

Шоирнинг турли йилларда битган шеърлари жамланган бу китоб "Тамаддун" нашриётида чоп этилган.

"Мадамин ака ўз боғини йўқотмади. Хилма-хил ифорлар тўлишиб-тўлишиб қоғозга тўкилади. Мадамин Кўчқор шеърияти руҳини англаш учун, аввало, унинг боғини кўрмоқ керак", дейди шоир Баҳром Рўзимуҳаммад китоб сўзбошисидаги мақолада.

Ҳақиқатан ҳам, шоир ижоди — унинг боғи. Боғбон ўз дарахтларини қандай авайласа, шоир ҳам шеърларини бачканалик ва сохталикдан холи ёзишга, ўқувчи билан самимий мулоқот ўрнатишга интилади. Мадамин Кўчқор ҳам шундай:

*Боғ девори оша узатди*
*қўлларида оқ гулин ўрик, онам*
*қўлларидек кўзимга сурдим.*

# ЁШ ИЖОДКОРНИНГ ЭНГ КАТТА ОРЗУСИ




У нарса шоҳда ҳам, гадода ҳам — ҳаммада бор. У тоғлардан-да баланд, майсадан-да кичик бўлиши мумкин. Бу — орзу. Инсон ҳамма нарсасидан айрилган тақдирда ҳам орзу ва умид уни тарк этмайди.

"Энг катта орзуим ушалса керак!"(2011). Ёш ҳаваскор шоира, умидли қаламкаш Шоҳиста Ортиқованинг яқинда нашрдан чиққан тўплами ана шундай номланади. Китобни қўлингизга оларкансиз, аввало, муаллифнинг энг катта орзуси нима экан, деган савол ўтади хаёлингиздан. Дарҳақиқат, шеърият боғига эндигина қадам қўйган ёш ижодкор қиз қалбида қандай орзулар бўлиши мумкин? Ҳассос шоира, меҳрибон ва муслима фарзанд, яхши оиланинг бекаси... Тўпламни варақлар, ҳаваскор шоиранинг юрак-юрагидан тўкилган шеърий мисраларга ошно бўлар экансиз, у қай бирини ўзи учун энг катта орзу деб ҳисоблашини билишга интиласиз.

"Vektor-press" нашриётида босилиб чиққан мазкур китоб "Жондан азиз", "Орзу" ва "Севармидингиз" фаслларидан иборат. Она, Ватан, юрт қадри, дўстлик, орзу, ишонч каби азалий ва ўлмас мавзуларни ижодкор ўзининг мурғак қалби, қизиқувчанлиги ва бой ички дунёси билан қайта кашф қилишга интилганлигини тўпламдан ўрин олган шеърларида кўрасиз. Қаранг-а:

***Дарёман — югуриб ета олмаган,***
***Дардингни, ғамингни олиб кетмаган.***
***Тоғдирман — тўфондан асраган қалқон,***
***Лекин ўз ғамидан кеча олмаган.***

Орзу — мақсад сари қўйилган илк қадам. Шундай экан, унга эришиш учун интилиш, ҳаракат қилиш керак. Хаёлда дунёга келган Орзу ҳаётда камолга етиши, рўёбини топиши лозим. Ўз ижоди орқали тенгдошларига ана шу фикрни ифодаламоқни ният қилган Шоҳиста Ортиқованинг «қалдирғоч китоби» шеърият ихлосмандларини бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

# "ТУШДАГИ УЧРАШУВ"




Аёл — ижод аҳлининг илҳом манбаи бўлиб келган. Нозик хилқат вакилларининг ички дунёси, орзу-интилиши, қалб истаклари ва туғёнларини ифодалаш йўлида миллионлаб шеърлар туғилади, асарлар дунёга келади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мавлуда Рўзиева ўз ижод намуналарида аёлнинг ички кечинмаларини самимий ифодалашга интилади. Унинг "Тушдаги учрашув"("Янги аср авлоди", 2011) тўпламидан жой олган шеърларида ҳам ижодкорнинг орзу-ўйлари, ҳаётга бўлган қараши ўз аксини топган.

Шоиранинг сўнгги йиллар давомида ёзган шеърлари, кузатишлари жамланган ушбу тўплам чиройли муқовасию, мавзулар қўламининг кенглиги ва қизиқарлилиги қамраб олинганлиги билан китобхон эътиборини тортади.

Мавлуда Рўзиева ижодида аёл муҳаббати, садоқати, меҳри ва самимийлиги етакчи ўринда туради. У аёлнинг таъсирчан ва меҳрга чанқоқ қалбини турли ҳолатларда тасвирлашга уринади.

**Соҳиба МУЛЛАЕВА**

# ЯКУНИЙ БОСҚИЧГА СЎНГГИ ТАЙЁРГАРЛИК

**Уч босқичли спорт мусобақалари тизимининг ташкил этилганлиги ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, жисмонан баркамол вояга етишига ҳамда уларнинг муваффақиятларига асос бўлмоқда.**

Жорий йилда ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг саралаш баҳслари Наманган вилоятида ҳам муросасиз тарзда ўтди. Мусобақаларнинг туман босқичларида ғалаба қозонган 1476 нафар спортчи ўғил-қиз вилоят босқичида 12 спорт тури бўйича куч ва маҳоратини синовдан ўтказди. 24—30 март кунлари кечган мусобақалар якунида энг кучли, чаққон ва омадли жамоалар аниқлаб олинди.

Баскетбол бўйича Уйчи туманидаги "Машад" спорт мажмуасида беллашган 120 нафар ўсмир ўртасида Наманган шаҳри вакиллари 1-ўринни банд этган бўлса, Чортоқ ва Уйчи тумани шарафини ҳимоя қилган спортчилар 2- ва 3- ўриндан жой олишди. Қўл тўпи баҳсларида эса 120 нафар ўсмир баҳсга киришди ва унда учқўрғонликлар 1, косонсойликлар 2, уйчиликлар 3-ўринни банд этишди. Учқўрғон туманидаги 5-БЎСМ спорт залида қизлар ўртасида қўл тўпи бўйича ўтказилган турнирда косонсойликларга тенг келадиган рақиб топилмади. 2 ва 3-ўрин Учқўрғон ҳамда Поп тумани ўқувчиларига насиб этди.

Учқўрғон туманидаги 20-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатида бўлиб ўтган белбоғли кураш олишувларида 72 нафар полвон 4 вазн тоифасида гиламга чиқди. Унда умумжамоа ҳисобида Тўрақўрғон тумани спортчилари 1, учқўрғонликлар 2, Янгиқўрғон ва Наманган тумани вакиллари 3-ўринни эгалладилар.

Ўғил болалар ўртасидаги волейбол матчларига Мингбулоқ туманидаги 13-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати мезбонлик қилди. Унда Уйчи ва Наманган тумани ёш спортчиларининг қўли баланд келиб, ҳар икки жамоа таркибидан вилоят терма жамоаси аъзолари саралаб олинди. 3-ўрин мингбулоқлик спортчиларга тегишли бўлди. Наманган шаҳридаги 57-мактаб спорт залида ташкил этилган қизлар ўртасидаги волейбол ўйинларида Янгиқўрғон, Тўрақўрғон ва Наманган тумани спортчилари кучли учликни банд этишди.

"Миллионлар ўйини" бўйича кечган матчларда эса Наманган шаҳри вакиллари вилоят босқичидан ҳам муваффақиятли ўтди. Бу борада қолган икки ўринни Тўрақўрғон ва Уйчи тумани ёш футболчилари банд этишди.

Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мажмуасида енгил атлетика ва бадиий гимнастика баҳслари бўлиб ўтди ва ҳар икки спорт тури бўйича ҳам Наманган шаҳри ўқувчилари зафар қучдилар. 48 нафар ўқувчи баҳслашган шахмат партияларида янгиқўрғонлик "ақл гимнастикачи"ларининг қўли баланд келди.

Мусобақа якунида ғолиб жамоаларга мутасадди ташкилотларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Айни кунларда вилоят ўқувчилари «Умид ниҳоллари-2012» спорт мусобақасининг навбатдаги босқичига тайёргарлик кўришмоқда.

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ**

*Наманган вилояти*

## ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

***Чирчиқ шаҳрида**ги Олимпия захиралари спорт коллежида кураш бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида 500дан зиёд спортчи 15 вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқди. Якуний натижаларга кўра, бухоролик Р.Жумаев, Ф.Адизов, қашқадарёлик А.Абдуллаев, Ж.Шерназаров, Тошкент шаҳри вакиллари М.Қаюмов, Ҳ.Назаров, Д.Махмашаев ўз вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди.*

*Қизлар ўртасида ўтказилган беллашувларда эса сурхондарёликлар Г.Абдураҳмонова ва Ш.Оқбўтаева, Қашқадарё вакиласи С.Эломонова, андижонлик М.Мамасобирова, хоразмлик Р.Қурбонова, Қорақалпоғистон Республикаси полвони С.Еркинбоева ўз вазн тоифасида шоҳсупага кўтарилиб, Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлди.*

* * *

***Нурота тумани**(Навоий вилояти)да эркин учувчи ва радиобошқарувли авиамоделлар бўйича ниҳоясига етган Ўзбекистон чемпионатида кучли ва маҳоратли спортчилар сараланди. Унда эркин учувчи ва радиобошқарувли авиамодел турлари бўйича фарғоналик С.Ҳожиматов, С.Харитонов, Ю.Киселёв, Тошкент вилоятидан Б.Ҳамидов, самарқандлик Т.Сафаров, бухоролик Алексей ва Андрей Шевченкога тенг келадигани топилмади.*

*Баҳсларда умумжамоа ҳисобида Фарғона вилояти вакиллари 1-ўринни, Самарқанд ва Тошкент вилояти жамоалари 2- ва 3-ўринни забт этди.*

* * *

***Плезн шаҳри (Чехия)да** сузиш бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Данил Бугаков 100 метрга чалқанча сузиш баҳсида кумуш, 50 метрга эркин усулда сузиш бўйича эса бронза медалига сазовор бўлди.*

# ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМ, ФАРЗАНДЛАР СОҒЛОМ БЎЛСИН!

**Ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшмаси кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт кенгаши томонидан Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида «Соғлом оила — жамият таянчи» шиори остида оилавий спорт мусобақалари ташкил этилди.**

Унда пойтахтимиздаги таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагоглар оилалари жамоалари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда Олмазор туманидаги 68-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари рақс ва бадиий чиқишлари билан бошлаб беришди.

— Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда оилавий спортнинг ўрни беқиёс, — деди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нурулла Насимов. — Ишчи-ходимлар ўртасида ўтказилаётган бугунги мусобақа эса нафақат спорт ривожига ҳисса қўшиши, балки оила мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадбир иштирокчилари «Тезлик эстафетаси», арқонда сакраш, ўмбалоқ ошиш, «Эпчиллик эстафетаси» ҳамда «Моҳир ҳужумчи» каби беллашувларда куч синашишди. Тажрибали спорт мураббийлари мусобақаларга ҳакамлик қилишди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшмаси кенгаши маънавият, маърифат ва спорт ишлари бўйича мутахассиси Юлдуз Ёқубованинг айтишича, оилавий мусобақалар педагог-ходимларнинг спортга бўлган қизиқишини ошириб гина қолмасдан, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги илиқ, самимий муносабатларни шакллантиришга ҳам хизмат қилади.



Мусобақалар сўнгида анъанага кўра, ғолиблар аниқланди. Шу тариқа, 1-ўринга Учтепа тумани жамоаси — Шукуровлар оиласи, 2-ўринга Яккасарой тумани жамоаси — Сафинлар оиласи, 3-ўринга эса Чилонзор тумани жамоаси — Пўлатовлар оиласи муносиб топилди. Уларга ташкилий қўмитанинг эсдалик совғалари топширилди.

**Висола ҚАРШИБОЕВА, «Ma'rifat» мухбири**
**В.ГРАНКИН олган сурат.**




## ЖАНГ МУДДАТИ ЎЗГАРДИ

**«Сўнгги вақтларда бокс оламида шов-шувли муштлашувларнинг ташкил этилиши мухлислар учун гўё амалга ошмас ишдек бўлиб туюлаётгани ёлғон эмас», деб ёзилади «BoxingScene» манбасидан ўрин олган хабарда.**



WBA таснифининг ўртача вазн тоифасида жаҳоннинг собиқ экс-чемпиони, WBO рейтингида 4-ўринда турган Ҳасан н'Дам н'Жик ва украиналик Максим Бурсак ўртасидаги жанг ана шундай саволларга муносиб жавоб бўлиши мумкин. Мазкур жанг Франциянинг Леваллуа-Перре шаҳрида 4 май куни бўлиб ўтиши маълум бўлди. Бурсак ва н'Жик ўртасидаги қарама-қаршиликда зафар қучган спортчи ўртача вазн тоифасида WBO таснифидаги жаҳон чемпионлиги камарига эга бўлади.

Эслатиб ўтамиз, бироз аввалроқ ушбу учрашув 20 апрель куни Экваториал Гвинеяда ўтказилиши ҳақида хабар тарқалганди.

## КАНАДАЛИКЛАР УСТУН КЕЛИШДИ

**Швейцариянинг Мюнхенштайн шаҳри кёрлинг бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати баҳсларига мезбонлик қилмоқда. Унда сайёрамизнинг энг кучли жамоалари ғолиблик учун курашмоқда.**

Хусусан, эркаклар ўртасида ўтказилган 8-турдан ўрин олган баҳслар натижасига кўра, Хитой терма жамоаси ўзидан анча тажрибали америкаликларни 7:5 ҳисобида енгишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Швеция кёрлингчилари ҳам Франция вакилларини 10:8 ҳисобида доғда қолдирди. Мезбонларга қарши имкониятларини синаб кўрган Германия вакиллари эса 9:4 ҳисобидаги мағлубиятга имзо чекишга мажбур бўлишди.

Ниҳоят, турнирнинг икки фаворити Чехия ва Канада тўқнашувида шимолий америкаликлар йирик ҳисобда ғалаба қозонди — 3:9. Мусобақалар давом этмоқда.

## ИСРОИЛЛИКЛАРДАН "ДУБЛЬ"

**Қиличбозлик бўйича Москва шаҳрида кадетлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлди. Биринчиликнинг эркаклар ва аёллар ўртасидаги «жанг»ларнинг ҳар иккисида ҳам исроиллик спортчиларга тенг келадигани топилмади.**

Ювал Фрейлих финалга қадар бир қатор тажрибали қиличбозларни енгди. Жумладан, у ярим финалда венгриялик рақиби Хамарни катта устунлик билан доғда қолдирди. Якуний ҳисоб 15:5 кўринишини олди. Ҳал қилувчи баҳс — финалда Фрейлих америкалик Эльдейбни енгиб, финалга чиққан Майгерни яққол тафовут билан ортда қолдирди (15:6) ва жаҳон чемпиони бўлди.

Аёллар ўртасида чемпион бўлган исроиллик Дарья Стрельникова ярим финалда Раданович(АҚШ)ни 15:13 ҳисобида мағлубиятга учратди. Финалда ҳам у хитойлик Сян Исюанни шу ҳисобда енгди.

## ВЕЛОСПОРТ ПОЙГАСИ ЯКУНЛАНДИ

**Велоспорт бўйича ўтказилган мусобақалардаги фаол иштироки ва қўлга киритган очколарига қараб ҳар ойда рейтинг кўрсаткичлари бўйича спортчилар эгаллаган поғоналари белгилаб борилади.**



2012 йилнинг март ойи натижаларига кўра, Бельгиянинг «Omega Pharma» жамоаси вакили Том Бонен 266 очко жамғариб, шахсий ҳисобда UCI (Халқаро велоспортчилар уюшмаси) рейтингининг энг юқори поғонасини забт этди. Иккинчи ўринни «GreenEdge» жамоаси вакили австралиялик Жерранс (210 очко) эгаллади. Учинчи поғонада 182 очко билан «Liquigas» жамоаси велопойгачиси италиялик Нибали турибди.

Терма жамоалар бўйича тузилган рейтингнинг дастлабки учлигидан Бельгия (467 очко), Испания (461) ва Италия (416 очко) спортчилари ўрин олишди.

Жамоавий ҳисобда эса «Liquigas» (Италия) – 376, «Sky» (Буюк Британия) – 356, «Omega Pharma» (Бельгия) – 349 натижалари қайд этилди.

**Ш.НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.**

---

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Қашқадарё вилояти кенгаши, вилоят кенгаши раиси Шодмон Кубаевга онаси
**УМИДА ая**нинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

---

Миробод туман ХТМФМТТЭ бўлими ва туман касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси жамоалари 135-мактабгача таълим муассасаси мудираси Умида Солиевага волидаи муҳтарамаси
**МУКАРРАМА опа**нинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

---

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси жамоалари Механика-математика факультети «Геометрия ва амалий математика» кафедраси ўқитувчиси Норқул Норуратовга падари бузруквори
**ҚУРБАНПЎЛАТ ота**нинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

---

**Тузатиш**

2012 йил 31 март куни "Ma'rifat" газетасининг №26 (8467)-сонида берилган 4-MRT-2012 эълонида берилган 5 лот қорақалпоқ тилидаги "Ўқиш китоби" (Oqiw kitabi) дарслиги 1-синф адади 9979 деб ўқилсин.




# ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАРБИЙ САБОҚЛАРДА ШАКЛЛАНАДИ

**Юртимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни фаол равишда спорт билан шуғулланишга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг оила, жамият ҳамда Ватан олдидаги масъулиятини ошириш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳар йили анъанавий тарзда «Ботирлар» ҳарбий-спорт ўйинлари фестивалини ўтказиб келади.**

**Тадбир Халқ таълими вазирлиги ва «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилик жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳарбий-спорт мактаблари ўқувчилари, секция ва клублари аъзолари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилади. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб ўтган бу йилги фестивалда 200 дан ортиқ 5—9-синф ўқувчилари иштирок этди.**



Фестивал доирасида футбол, баскетбол, югуриш ва ҳарбий жанг санъати бўйича спорт мусобақалари ҳам бўлиб ўтди. Бундан ташқари, ҳарбий синф ўқувчиларининг











ҳарбий жанг санъати ва спорт турлари бўйича кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Сўзга чиққанлар фестивалдан кўзланган асосий мақсад чинакам мард, жасур, шунингдек, соғлом Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат эканлигини таъкидлашди.

— Мен 6 йилдан бери таэквондо билан шуғулланаман, — деди иштирокчилардан бири, Ангрен шаҳридаги 18-умумтаълим мактаби 5-синф ўқувчиси Нуржаҳон Нурмуҳаммедов. — Мураббийим Руслан Кенжаев раҳбарлигида мунтазам спорт билан шуғуллангани зое кетмади, чунки яхши тайёргарликлар туфайли бугунги фестивалнинг энг фаол иштирокчиларидан бирига айландим.



Якунда ҳарбий тайёргарлик ва қўл жанги санъати бўйича Тошкент шаҳридаги 153-мактаб ва Чирчиқ шаҳридаги 10-мактаб жамоалари ғолиб деб топилди. 5—6-синфлар ва 7—9-синфлар ўртасидаги футбол ҳамда 7—9-синфлар ўртасидаги баскетбол баҳсларида пойтахтдаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига тенг келадиган жамоа топилмади. Ҳарбий эстафета беллашувларида эса Тошкент шаҳридаги 153-мактаб ўқувчилари мусобақа сўнгига қадар етакчиликни ҳеч кимга беришмади.

Таъкидлаш лозимки, мазкур ҳарбий-спорт ўйинлари фестивали халқ таълими тизимидаги ҳарбий-спорт мактабларида тарбияланаётган ўқувчиларни келажакдаги мақсадлари сари дадил қадам ташлашга чорловчи ўзига хос синов бўлди.

**Наргиза ИБРОҲИМОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**









Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.*

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-418.
Tiraji 49949.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.*

*Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Zohidjon XOLOV.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

*«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.*

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 21.20
Topshirildi — 22.40

1 345